- Кўкрак беши қафаси умумий рентген текшируви/компьютер томографияси: (метастатик ўпка шикастланганда, барча ўпка майдонларида ёки сегментда аниқ контурли, турли ўлчамдаги бир нечта/битта ўрта фокусли соялар аниқланади);
- Скелет суяқларини сцинтиграфияси: (патологик суяк ҳосилалари ўчоқларида остеоген препаратнинг гиперфиксацияси) кўкрак беши саратони тарқалишини баҳолаш учун скелет суяқларининг метастатик шикастланишига шубҳа қилинган тақдирда;
- ПЭТ-позитрон-эмиссион томография: (патологик ўчоқларда препаратнинг йиғилиши), туморотроп РФП ли компьютер томография билан биргаликда (контраст билан ёки усиз) (ПЭТ-КТ) стандарт босқични баҳоловчи усуллар наф бермаганда ва айниқса метастаз аниқланиши даво тактикасини тубдан

ўзгартирадиган маҳаллий тарқалган жараён ҳолатларида, КБСни тарқалганлик даражасини аниқлаш учун [5];

- Бош мияда метастазлар борлигига гумон қилинганда, метастатик жараённи истисно қилиш мақсадида в/и контрастлаш билан бош миянинг МРТси ёки КТси;

- Муолажа ва аралашувга тайёрлашда асосий текшириш усуллари:

1. ҚУТ лейкоформула ва тромбоцитлар миқдорини ҳисоблаш билан;
2. Қон биокимёвий таҳлики (натрий, калий, кальций, глюкоза, мочевина, креатинин, сийдик кислотаси, умумий оксил, альбумин, умумий билирубин, бевосита билирубин, ЛДГ, АСТ, АЛТ, СРБ, ишқорий фосфотаза);
3. АВО тизими бўйича қон тугуҳини аниқлаш;
4. Резус-факторни аниқлаш;
5. Пешоб умумий таҳлили;
6. Коагулограмма (АЧТВ, ПВ, МНО, ПТИ, фибриноген);
7. Коптокча фильтрацияси тезлигини аниқлаш;
8. ИФА ёки ИХЛ усулида вирусли гепатит Б ва С маркерларини аниқлаш
9. ИФА усулида ОИВ-инфекцияни аниқлаш (HIV Ag/anti-HIV);
10. В ва С вирусли гепатитлари учун ПЗР (сифатли)
11. Заҳмга серологик реакциялар мажмуаси;
12. Ўсмадан пункцион биопсия (зарурат бўлса, лимфа тугунлардан).
13. Ўсмадан трепан биопсия (зарурат бўлса, лимфа тугунлардан).
14. Биоптатни гистологик текшириш (лимфа тугуни, ҳосилани)*
15. Биоптатни иммуногистохимик текшириш (лимфа тугунини, ҳосилани, трепанобиоптатни)
16. ЭКГ;
17. ЭхоКГ.
18. Кўкрак беги, қўлтиқ ости, ўмов усти, бўйин лимфа тугунлари, қорин бўшлиғи, кичик чаноқ аъзолари УТТси.
19. Маммография.
20. Кўкрак беги қафаси МСКТси.
21. Бутун тана ПЭТ/КТ си**
22. КТ контрастлаш билан***

- Муолажа ва аралашувга тайёрлашда асосий текшириш усуллари:

1. ПЗР усулида Эбштейн-Барр вируси, 1-2 тип герпес, цитомегаловирус, токсоплазмоз;
2. В ва С гепатит вирусларига ПЗР (миқдорий);
3. Қонни кислота ишқорий ҳолати (КИХ) ва газларга аниқлаш;

4. Бевосита ва билвосита Кумбс реакцияси;
5. Стандарт цитогенети текшириш;
6. FISH усулида ва молекуляр-генетик текшириш;
7. Ферритин, фолатлар, зардоб темири, Витамин В12ни аниқлаш;
8. ProBNP
9. Прокальцитонин
10. Антитромбин III, Д-димер
11. Фертил ёшидаги аёлларда – ҳомиладорликка тест, ХГЧни аниқлаш;
12. Миелограмма;
13. Периферик қон ИФТси;
14. Инсон Т-лимфотроп вируси I/II-IgG га антитана;
15. Стандарт –цитогенетик текшириш;
16. FISH ва ПЗР усулида молекуляр-генетик текшириш;
17. Бурун ёндош бўлиқлари рентгенографияси;
18. Ортопантомограмма;
19. Кўкрак беги сегментини компьютар томографияси;
20. Бош, бўйин ва қорин бўшлиғини контрастли КТси;
21. ФГДС;
22. Бронхоскопия;
23. Колоноскопия;
24. Томирлар (вена ва/ёки артериялар) УТДГси;
25. Спирография;
26. Бош мия МРТси;
27. Плеврал бўшлиқ, периферик лимфа тугунлар, кичик чаноқ, қовуқ УТТси;
28. Холтер – мониторинг билан ЭКГ

* Агар аввал ўтказилмаган бўлса.

** Касалликнинг бошланишида (агар у илгари бажарилмаган бўлса) ва қайта босқичлаш пайтида (суяк илиги дастлабки шикастланганда).

*** Касалликнинг бошланишида ва қайта босқичлаш пайтида бажариш керак.

**** ПЭТ/КТ ўтказиш мумкин бўлмаган ҳолларда.


- Мутахассисларнинг консултатив кўруви учун кўрсатмалар:

- Кардиолог кўриги (50 ёш ва ундан катта беморларда, шунингдек, ЮҚТ да патологияси бўлган 50 ёшдан кичик беморлар);
- Гинеколог кўриги (кичик чаноқ аъзоларида ҳажмли ҳосила белгилари бўлган аёлларда, оилавий, биргаликда келувчи саратон турларини истисно қилиш мақсадида);
- кўкрак беги саратонини даволаш бошланишидан олдин акушер-

гинеколог/репродуктологнинг маслаҳати зарур, агар бемор келажакда фарзанд кўришни хоҳласа, ёрдамчи репродуктив технологияларнинг мумкин бўлган вариантларини муҳокама қилиш, шунингдек, туғиш ёшидаги беморларда ўсмага қарши дори терапияси даврида, яқин келажакда ва ундан кейин исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш учун ишончли контрацептив воситалардан фойдаланиш масаласида [5];

- невропатолог кўриги (қон томир мия касалликларида, шу жумладан инсульт, мия шикастланиши, эпилепсия, миастения, нейроинфекцион касалликлар, шунингдек, онгни йўқотишнинг барча ҳолатларида);
- эндокринолог кўриги (эндокрин аъзолари томонидан ҳамроҳ касалликлари бўлган тақдирда);
- қон-томир жарроҳи кўриги (варикоз касаллик, туғма/орттирилган томирлар патология мавжуд бўлган ҳолларда);
- пульмонолог кўриги (ўпка паренхимасида қолдиқ патологиялар мавжуд бўлганда, бактериал / вирусли / ноаниқ генезли яллиғланиш жараёнидан кейин).

- **Диагностик алгоритм:**



7-жадвал. Ҳомиладорлик вақтида КБСни ташхислашни диагностик алгоритми

Диагностик тест	I триместр	II триместр	III триместр
Кўрик	+	+	+

Пальпация	+	+	+
УТТ	+	+	+
Маммография	-	-	-
ТАПБ	-	-	-
Кўкрак беги безларини УТТ назоратида трепан-биопсияси	+	+	+
Кўкрак беги магнит-резонанс томографияси	-	-	-
Кўкрак беги компьютер томографияси	-	-	-

- Қиёсий ташхис ва қўшимча текширувларни асослаш

8-жадвал. Кўкрак беги ҳавфсиз ўсмалари

Ташхис	Қиёсий ташхис учун асослаш	текшириш	Ташхисни инкор қилиш мезонлари
Мастит	<ul style="list-style-type: none"> - шикастланган кўкрак беги соҳасида оғрик; -Яллиғланиш соҳасида шиш; -Ҳароратнинг кўтарилиши; -флуктуация соҳалари билан йирингли бўшлиқларнинг мавжудлиги; -Кўкракда пульсация ёки “отувчи” оғрик; - Шикастланган кўкракда сиқилиш ҳисси; -кўкракнинг шикастланган соҳаси устининг қизариши. 	<ul style="list-style-type: none"> -кўкрак беги ва регионар лимфа тугунларининг УТТси; -цитологик текшириш учун ингичка игнали аспирацион биопсия; - флорага ва антибиотикларга сезгирликка бактериологик экма; 	<ul style="list-style-type: none"> -предуктал некроз, плазматик ҳужайралар тўпланиши билан (плазмацитар мастит), гранулёматоз ҳужайралар (гранулёматоз мастит) ёки лимфоцитар ҳужайралар (лимфоцитар мастит) тўпланиши билан маҳаллий яллиғланиш реакцияси; - Маммография пайтида аниқланадиган каналлар атрофида "таёқ" типигади типик секретор калцинатлар ҳосил

			бўлади (калций канални тўлдирмайди, аксинча ўраб олади).
Кўкрак беци фиброаденома си	<ul style="list-style-type: none"> - Ўлчамлари 0,5 дан 5,0 смгача ва ундан ортик бўлади; - Пальпацияда ҳаракатчан ва силжувчан бўлади; - Кўпинча юмалоқ ёки овал шаклда бўлади; - Зич эластик консистенцияли ва силлиқ юзали бўлади; - Чегаралари аниқ; - Тери билан боғланмаган; -Оғриқсиз. 	Сут безлари ва регионар зоналар УТТси;	Кенг асосда жойлашган сийрак шишли ёки миксоматоз бириктирувчи тўқималарнинг массив сўрғичлари чиқиб турадиган каналларнинг чўзилиши ва кистоз кенгайиши; - У жуда ғалати кўринишга эга бўлади.
Кўкрак беци кистаси	<ul style="list-style-type: none"> - Думалоқ, овал ёки нотўғри шаклга эга; - Кистларнинг контурлари аниқ, силлиқ; - Кўкрак кисталари ўлчами 1 см дан ошиши билан ўртача оғриқ пайдо бўлади; - Битта ёки кўплаб; - Поликистоз нафақат кисталарнинг бирлашишидан, балки кўп камерали йиғилмаларнинг шаклланиши билан ҳам белгиланади; 	<ul style="list-style-type: none"> - Сут безлари ва регионар зоналарнинг УТТси; - Цитологик текшириш учун ингичка игнали аспирацион биопсия; 	хужайра массасининг мавжудлигини аниқламайди; - агар гистологик текширувда киста таркибида эпителия хужайралари аниқланса, бу ўсма жараёнининг ривожланишини кўрсатиши мумкин.

	<ul style="list-style-type: none"> - Бир камерали ёки кўп камерали кисталар; - Яллиғланишли ёки яллиғланишсиз кисталар. 		
Кўкрак беи туберкулези	<ul style="list-style-type: none"> - оғриқсиз зичлашиш; - аниқ контурларсиз - терининг ўзгариши ("майдонча" симптоми, тортилиш); - регионар лимфа тугунларининг катталашиши; - тана ҳароратининг 38⁰С га, баъзан ваража ҳолатига кўтарилиши; - кечаси ва эрталаб терлашнинг кўпайиши. 	<ul style="list-style-type: none"> - Сут безлари ва регионар зоналар УТТси; - Цитологик текшириш учун ингичка игнали аспирацион биопсия; - Гистологик текшириш учун ҳосилани трепан биопсияси; 	<ul style="list-style-type: none"> - Эпителоид ва гигант Пирогов-Лангханс ҳужайралари; - Натив ва махсус бўялган препаратларда лейкоцитлар, эритроцитлар, ясси ва цилиндрсимон эпителий ҳужайралари, алвеоляр макрофаглар, чангли, эпителиоид ҳужайралар учрайди; - Гигант ва ўсма ҳужайралари, холестерин ва Шарко—Лейден кристаллари, ўзгармаган, калцификацияланган маржон толалари, туберкулёз микобактерияси, носпецифик флора, актиномицет друслари, аспергиллалар, хамиртуруш замбуруғлари, кокцидиоид микоз сферулалари ва бошқалар.
Кўкрак беи аденози ва	-	- Сут безлари ва регионар	Суртмада атипик ҳужайраларнинг

фиброаденози		<p>зоналарнинг УТТси;</p> <ul style="list-style-type: none"> - Маммография (40 ёшдан катталарда); - Цитологик текшириш учун ингичка игна аспирацияси биопсияси; - Гистологик текшириш учун шаклланишнинг трепан биопсияси; - Соматик патологияни аниқлаш учун қон умумий таҳлили, пешоб умумий таҳлили, қон биокимёвий таҳлёки (қанд, жигар ферментлари ва бошқалар); - Гормонал текширишлар: пролактин, ФСГ, ЛГ; - Кўрсатмаларга кўра, қалқонсимон без ва буйрак усти гормонларининг концентрацияси текширилади; 	<p>мавжудлиги/йўқлиги аниқлайди ва биопсия материалида ўсма хужайраларининг пролиферация даражаси баҳоланади.</p>
--------------	--	---	---

4. Амбулатория даражасида даволаш тактикаси.

Амбулатор даражада амбулатор хона препаратлари ёрдамида маҳсус даво ўтказилади (2-бўлимга қаранг).

1) Номедикаментоз даво:

Режим:

- I. консерватив даво ўтказиш вақтида – умумий режим;

- II. Операциядан кейинги эрта даврда - ётоқ ёки ярим ётоқ режими (операция ҳажмига ва ҳамроҳ патологияларга қараб);
- III. Операциядан кейинги даврда – палата режими.
- IV. Пархез: стол – №15, жарроҳлик давосидан сўнг – №1.

2) Медикаментоз даво:

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтмаган дори воситаларининг клиник баённомага киритилиши бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида ва мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизимида харажатларни қоплаш учун асос бўлмайди.

Амбулатор дори терапиясининг бир қисми сифатида гормон терапиясини ёрдамчи режимда қўллаш камида 5 йил давомида гормон-мусбат кўкрак саратонида (тамоксифен, летрозол, анастразол, гозерелин, трипторелин) ва прогрессияда ёки метастатик люминал кўкрак саратони билан оғриган беморларда прогрессиядан олдин тавсия этилади (тамоксифен, летрозол, анастразол, гозерелин, трипторелин, торемифен, фулвестрант, ексеместан, эверолимус);

1. Метастатик суяк шикастланишини аниқланганда икки йил давомида бифосфонат терапиясини қўллаш тавсия этилади (золедрон ва памидрон кислота, деносумаб);
2. CD4/6 ингибиторларини (палбоциклиб, рибоциклиб, абемациклиб) тайинлаш HER2 манфий метастатик люминал кўкрак беши саратони беморларига ароматаза ингибитори ёки фулвестрант билан биргаликда қабул қилиниши мумкин. Бундан препаратни қабул қилиш чидаб бўлмас токсиклик ривожланиши ёки прогрессияланишга қадар давом эттирилади; PARP (олапариб ёки талазопариб*) ингибиторлари монотерапияси BRCA1 ёки BRCA2 герминал мутациялари бўлган, гормон рецепторлари ҳолати ва HER2 ҳолатидан қатъи назар, метастатик кўкрак беши саратони билан оғриган беморлар учун тавсия этилади
3. Таргет терапияни қўллаш (тери остига юбориш учун трастузумаб 600 мг) эрта (T1b, N0) HER2-мусбат кўкрак саратони билан оғриган беморларга кимётерапия билан комбинацияда тавсия этилади (қуйидаги антрациклинсиз ХТ режимларидан бири билан биргаликда: паклитаксел 12 ҳафталик инъекция ёки DC (доцетаксел + циклофосфамид) 4 цикл) ва ҳам метастатик HER2 - мусбат кўкрак беши саратонида ҳам. Кимётерапевтик блок тугагандан сўнг, трастузумабни юбориш 18 инъекциягача давом этади (умумий давомийлиги 1 йил) ва тери ости инъекция шакллари ёрдамида бутунлай амбулатория шароитида амалга оширилади. Тери остига юбориш учун Трастузумаб

стационар босқичда ҳам (ХТ билан биргаликда), ҳам амбулатория босқичида (моно режимда) қўлланилиши мумкин.

4. Комбинацияланган таргет терапияни қўллаш (пертузумаб 1200 мг + трастузумаб 600 мг ва пертузумаб 600 мг+ трастузумаб 600 мг тери остига юбориш учун фиксацияланган комбинация) эрта HER2-мусбат юқори хавфли кўкрак саратони (T2 ва/ёки N+) билан оғриган беморларга (неoadъювант ва адъювант терапия режимлари) кимё терапия билан комбинацияда (ХТ: доцетаксел + карбоплатин (6 цикл) ёки АС / ЕС (4 цикл), кейинчалик — доцетаксел 4 цикл / паклитакселни 12 хафталик юборилиши) тавсия этилади. Кимётерапевтик блок тугагандан сўнг, терапия бутунлай амбулатория шароитида пертузумаб 600 мг+ трастузумаб 600 мг нинг тери остига 18 тагача инъекция қилиш учун (умумий давомийлиги 1 йил) фиксацияланган комбинацияси ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Тери остига юбориш учун пертузумаб 1200 мг ёки 600 мг +трастузумаб 600 мг нинг фиксацияланган комбинацияси стационар босқичда ҳам (ХТ билан биргаликда), ҳам амбулатория босқичида (монотерапияда) ишлатилиши мумкин.
5. Комбинацияланган таргет терапияни қўллаш (пертузумаб 1200 мг + трастузумаб 600 мг ва пертузумаб 600 мг + трастузумаб 600 мг тери остига юбориш учун фиксацияланган комбинация) метастатик HER2-мусбат кўкрак саратони билан оғриган беморларга кимётерапия билан биргаликда, сўнгра монотерапияда прогрессия ёки чидаб бўлмас токсикага қадар тавсия этилади. Кимётерапевтик блок тугагандан сўнг, терапия тери остига юбориш учун пертузумаб 600 мг + трастузумаб 600 мг фиксацияланган комбинацияси ёрдамида бутунлай амбулатория шароитида амалга оширилиши мумкин. Тери остига юбориш учун пертузумаб 1200 мг ёки 600 мг +трастузумаб 600 мг нинг фиксацияланган комбинацияси стационар босқичда ҳам (ХТ билан биргаликда), ҳам амбулатория босқичида (монотерапияда) ишлатилиши мумкин.
6. Опулининг олдинги РСВІІ ёки РСВІІІ ИИИ терапиясига патоморфологик жавоби бўлган беморлар учун адъювант монотерапияда HER2 -мусбат ҳолатга эга бўлган эрта кўкрак саратони билан оғриган беморларга таргет терапия (трастузумаб эмтанзин) дан фойдаланиш тавсия этилади (14 инъекция).
7. Таргет даволашни (трастузумаб эмтанзин) қўллаш мусбат HER2 статусли метастатик кўкрак беги саратони беморларига моно ёки иккиламчи HER2 блокададан сўнг прогрессияланишда монотерапияда прогрессияланишгача ёки чидаб бўлмас токсикликкача тавсия қилинади.
8. Таргет терапиянинг қўлланилиши (лапатиниб) HER2 мусбат метаститик КБС беморларига монотерапияда, ёки капецитабин ва/ёки трастузумаб билан биргаликда, прогрессияланишга қадар ёки чидаб бўлмас токсиклик

кузатилгунга қадар тавсия этилади.

9. Уч карра негатив, кимёрезистент кўкрак беги саратони беморларини адъюван терапиясида капещитабиннинг қўлланилади, ёки метастатик КБСда лапатиниб ва гормонотерапия билан биргаликда қўлланилади.

*Эслатма:1 - BRCA-ассоцирланган юқори ҳавфли КБС беморларида олапариб адъювант терапия сифатида буюрилади**

9-жадвал

Асосий дори-воситаларнинг рўйхати (100% фойдаланиш эҳтимоли билан): [1, 10,11]:

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори-воситасининг ХПН	Қўллаш тартиби	Далиллар даражаси
ГРГ ¹ аналоглари	Гозерелин	3,6 мг т/о 28 кунда 1 марта; 10,8 мг т/о 12 ҳафтада 1 марота юборилади, узок вақт	В
	Трипторелин	3,75 мг 28 кунда 1 марта; 11,25 мг ҳар 3 ойда юборилади, узок вақт давомида.	С
Эстроген рецепторлари селектив модуляторлари ²	Тамоксифен	20 мг/сутки ичишга ҳар куни прогрессиягача ёки чидаб бўлмас токсикликка қадар	В
	Торемифен	60 мг/сутки ичишга ҳар куни прогрессия ёки чидаб бўлмас токсикликка қадар	В
Эстроген рецепторлари антогонистлари ³	Фулвестрант	500 мг м/о 1 марта мес (биринчи ойда – 500 мгдан 1-ва 15-кунлар) (длительность цикл 28 дней)	В

Учинчи қатор ароматаза ингибиторлари (ностероид) ³	Анастрозол	1 мг/сутки ичишга ҳар куни прогрессияга ёки чидаб бўлмас токсикликка қадар	А
	Летрозол	2,5 мг/сут. ичишга ҳар куни прогрессияга ёки чидаб бўлмас токсикликка қадар	В
Учинчи қатор ароматаза ингибиторлари (стероид) ³	Эксеместан	25 мг/сутки ичишга ҳар куни до прогрессировани я ёки чидаб бўлмас токсикликка қадар	В
CDK _{4/6} протеинкиназа ингибиторлари 3,4,8	Палбоциклиб ^а	125 мг/сутки ичишга 1-21- кунлар, интервал 1 ҳафта (цикл давомийлиги 28 кун) ИА ёки фулвестрант билан комбинацияда	В
	Рибоциклиб ^а	600 мг/сутки ичишга 1-21- кунлар, интервал 1 ҳафта (цикл давомийлиги 28 кун) ИА ёки фулвестрант билан комбинацияда	В
	Абемациклиб ^а	по 300 мг/сутки ичишга (в два приема) ҳар куни прогрессияга ёки чидаб бўлмас токсикликка қадар ИА ёки фулвестрант билан комбинацияда	В

	Абемациклиб	В режиме монотерапии 400 мг/сутки ичишга (в два приема) ҳар куни прогрессияга ёки чидаб бўлмас токсикликка қадар	В
Прогестагенлар ³	Медроксипрогестерон*	500-1000 мг/сутки ичишга ҳар куни прогрессияга ёки чидаб бўлмас токсикликка қадар	А
	Мегестрол*	160 мг/сутки ичишга ҳар куни прогрессияга ёки чидаб бўлмас токсикликка қадар	А
Фосфатидилинозитол -3- киназа ингибитори (PI3K)	Алпелисиб* ⁹	300 мг/сут. ичишга ҳар куни прогрессияланишга қадар ёки чидаб бўлмас токсикликка қадар фулвестрант билан комбинацияда	В
mTOR протеинкиназа ингибитори	Эверолимус ^{3,5}	10 мг/сутки ичишга ҳар куни прогрессияланишга қадар ёки чидаб бўлмас токсикликка қадар эксеместан билан комбинацияда	В
Бошқа протеинкиназа ингибиторлари	Лапатиниб	1000 мг/сут	С
PARP ферменти ингибитори	Олапариб	300 мг суткасига 2 маҳал ичишга	А
	Талазопариб	1 мг ичишга ҳар куни	А

Моноклонал антитаналар	Деносумаб	120 мг хар 4 хафтада 1 марта т/о	А
	Трастузумаб ¹¹	600мг п/к 1р в 3 недели	А
	Трастузумаб + Пертузумаб ¹²	1200мг+600мг 1 раз в 3 недели 600мг+600мг п\к 1 раз в 3 недели	А
	Трастузумаб эмтанзин ¹³	3,6 мг на кг массы тела 1 раз в 3 недели	А
Цитостатик	Капецитабин ^d	2000-2500 мг/м2 ичишга	С
Бифасфонатлар	Золедрон кислота	4 мг в/и 6 ойда 1 марта) 2-3 йил давомида (суяк тўқимаси минерал зичлигига қараб);	В
	Памидрон кислота	90 мг в/и	В
Маълумотларни юклаб олиш учун (ҳаволалар)	https://nrchd.kz/ru/		

Эслатма:

* Рўйхатдан ўтмаган дори воситаларидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ.

¹ фақат тухумдон функцияси сақланиб қолган беморлар учун, агар тухумдон супрессияси зарур бўлса; бошқа ГТ препаратлари билан биргаликда буюрилади (селектив эстроген рецепторлари модуляторлари, эстроген рецепторлари антагонистлари, ароматаза ингибиторлари, прогестогенлар); ГРГларни 28 кунда 1 марта юбориш тавсия этилади;

² пременопауза ва менопаузадаги беморлар учун; Тамоксифенни мунтазам амалиётда қўллаш масаласини ҳал қилиш учун CYP2D6 ген мутацияларини аниқлаш тавсия этилмайди;

³ фақат менопаузадаги беморлар учун; тухумдон функцияси сақланиб қолган беморларда тухумдонни супрессияси талаб қилинади (ГРГ аналогларини тайинлаш ёки овариэктомия);

⁴ токсиклик ривожланиши билан палбоциклиб дозаларини кунига 100 мг ва кунига 75 мггача, рибоциклибни кунига 400 мг ва 200 мг гача, абемациклибни кунига 200 мг ва 100 мггача камайтириб кунига 2 маҳал ичишга буюриш тавсия этилади (доридан фойдаланиш бўйича кўрсатмаларга қаранг);

⁵ умумий аҳволи қониқарли бўлган, ички органларнинг нормал ишловчи (шу жумладан қондаги глюкоза даражасида меъёрий бўлган), ностероид ароматаза ингибиторларига резистентлик белгилари мавжуд бўлган беморлар учун (летрозол/анастрозол билан адъювант ёки даволовчи терапия пайтида ёки ушбу дорилар тугаганидан кейин кейинги 12 ой ичида прогрессияланиш кузатилганда); эксеместан ва эверолимус билан даво фонидида прогрессияланишда эверолимусни киритиш билан бошқа ГТ линиясининг самарадорлиги ҳақида маълумот йўқ;

⁶ ГТ ва бир ёки бир нечта ХТ линиялари фонидида прогрессияланишда;

⁷ токсиклик ривожланиши билан абемациклиб дозасини кунига 300 мг, кунига 200 мг ва кунига 100 мг ичишга (икки қабулда) камайтириш мумкин (препаратни қўллаш бўйича кўрсатмаларга қаранг);

⁸ протеинкиназа 4/6 ингибиторларининг ароматаза ингибиторлари ёки фулвестрант билан комбинацияси прогрессиясиз яшовчанликда сезиларли фойда ва мақбул токсиклик профилини ҳисобга олган ҳолда, даволашнинг 1 ва 2-қаторлари учун афзал вариант ҳисобланади;

⁹ фулвестрант билан фосфатидилинозитол-3-киназа (PI3K) ингибитори алпелисиб* комбинацияси моно-ёки комбинирланган ГТда прогрессияланишида тарқалган гормонга боғлиқ HER2-манфий КБС билан оғриган беморларда PIK3CA ген мутациялар кузатилганда тавсия этилади. Алпелисиб* I турдаги қандли диабет, шунингдек назорат қилинмайдиган II турдаги диабет билан оғриган беморларга буюрилмаслиги керак. Алпелисибдан фойдаланишни бошлашдан олдин, оч вақтда плазмадаги глюкоза даражаси ва HbA1c (глюкирланган гемоглобин) даражасини аниқлаш керак. Агар HbA1c даражаси > 7,0% бўлса, алпелисиб терапиясини буюришдан олдин эндокринолог маслаҳати талаб қилинади;

¹⁰ токсикликнинг ривожланиши билан алпелисиб дозасини кунига 250 мг ёки кунига 200 мг гача камайтириш мумкин (препаратни тиббий қўллаш бўйича кўрсатмаларга қаранг).

¹¹ ҳар 3 ҳафтада 1 марта (беморнинг тана вазнидан қатъи назар) 600 мг дозада тери остига юбориш учун трастузумабнинг тери ости шаклидан фойдаланганда; юклама дозаси талаб қилинмайди

¹² тери остига юбориш учун "трастузумаб + пертузумаб" дори шаклидан фойдаланганда; юклама дозаси 1200 мг пертузумаб / 600 мг трастузумаб, кейин 600 мг пертузумаб / 600 мг трастузумаб, юклама дозасидан 3 ҳафта ўтгач қўлланилади ва ҳар 3 ҳафтада такрорланади.

10-жадвал

Қўшимча дори-воситаларнинг рўйхати (фойдаланиш эҳтимоли 100% дан кам):

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори-воситасининг ХПН	Қўллаш тартиби	ИД
Антибактериал воситалар	Офлоксацин	Вена ичига	С
	Цефоперазон сульбактам	Вена ичига	С
	Метронидазол	Вена ичига Ичга	А
	Левифлоксацин	Вена ичига	С

		Ичга	
	Ципрофлоксацин	Вена ичига Ичга	С
	Сульфаметоксазол /триметоприм	Вена ичига Ичга	С
Замбуруғга қарши дори воситалари	Вориконазол	Вена ичига Ичга	С
	Итраконазол	Ичга	С
	Флуконазол	Вена ичига Ичга	А
	Позаконазол	Ичга	В
Вирусга қарши дори воситалари	Ацикловир	Вена ичига Ичга	А
Қон ивиш тизимига таъсир қилувчи дори воситалари	Надропарин	Тери остига	С
	Эноксапарин	Тери остига	С
Бошқа дори воситалари	Бупивакаин, Лидокаин, Прокаин	Маҳаллий	А
	Омепразол	Вена ичига Ичга	А
	Фамотидин	Вена ичига	А
	Амброксол	Ичга	В
	Амлодипин	Ичга	В
	Повидон – йод	Ташқи	С
	Тобрамицин	Вена ичига	С
	Эссенциале	Вена ичига Ичга	А
	Фуросемид	Вена ичига Ичга	А
	Хлоргексидин	Ташқи	В
Маълумотларни юклаб олиш учун (ҳаволалар)	https://www.rosoncoweb.ru/стандартs/suptherapy/http://www.pror.ru/treatment/accomp		

3) Жарроҳлик аралашуви:

- I. Кўкрак беги трепан биопсияси.
- II. Ўсма /лимфа тугуни очик биопсияси.

III. Маҳаллий оғриқсизлантириш остида, УТТ назоратида, маҳсус ускуна ёрдамида вакуум аспирацион биопсияси, кўкрак безининг ҳавфсиз ўсмаларини кам инвазив даво усули ўтказилади;

4) Кейинги даволаш.

- Беморни операциядан кейинги олиб бориш, боғлам алмаштириш яшаш жойидаги амбулатория жарроҳлик хонасида (боғлов хонасида) амалга оширилади.
- Кўкрак безлари кўриги ҳар хил турдаги биопсиядан 5-7 кун ўтгач амалга оширилади. Булар: гематома йўқлиги, иситма, ташқи қон кетиш.
- Операциядан кейинги даврда, 1 ойдан сўнг, лимфорея, қолдиқ ўсма белгиларини истисно қилиш мақсадида амалиётдан кейинги соҳа УТТси ўтказилади.

5) Протоколда келтирилган ташхислаш ва даволаш усуллариининг ҳавфсизлиги ҳамда даволаш самарадорлиги индикаторлари

- УТТда амалиётдан кейинги соҳада ўсманинг йўқлиги.

5. Тиббий ёрдам кўрсатиш туридан келиб чиқиб шифохонага ётқизиш учун кўрсатмалари:

1) Режали ёрдам кўрсатиш шифохонасига ётқизиш учун кўрсатмалар:

- 24 соатлик ёки кундузги шифохонада кузатишни талаб қиладиган мураккаб интервенцион диагностик тиббий аралашувларни амалга ошириш зарурати;
- ихтисослашган ўсмага қарши даволаш учун кўрсатмалар (жарроҳлик аралашуви, НТ, шу жумладан контакт НТ, ДНТ ва бошқа НТ турлари, дори терапияси ва бошқалар), 24 соатлик ёки кундузги касалхонада кузатишни талаб қилади.

2) Шошилиш ёрдам кўрсатиш шифохонасига ётқизиш учун кўрсатмалар:

- ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган турларини талаб қиладиган саратон касаллигининг асоратлари мавжудлиги;
- онкологик касалликларни даволаш (жарроҳлик аралашуви, НТ, дори терапияси ва бошқалар) нинг асоратлари мавжудлиги.

6. Стационар даражасида даволаш тактикаси:

- ўсма ўқоғи ва метастазларни ликвидацияси;
- ўсма жараёни тўла, қисман регрессияси ёки стабилизациясига эришиш;

- хаёт давомийлигини узайтириш.

1) Беморни кузатиш картаси, беморни маршрутизацияси (схемалар, алгоритмлар).

Менструал статус		I-IIA босқич		IIB-IIIС босқич		IV босқич
		неоадъювант	адъювант	неоадъювант	адъювант	-
Пременопауза	Паст	Оператив даво	Тамоксифен 20 мг/сут + А-ГРГ	Тамоксифен 20 мг/сут + А-ГРГ → Оператив даво	Тамоксифен 20 мг/сут. + А-ГРГ	1-линия: Тамоксифен 20 мг/сут. + А-ГРГ 2-линия: ИА +/- CDK4/6 ингибиторлари 3-линия: Фулвестрант 500 мг +/- CDK4/6 ингибиторлари
	Ўртача	Оператив даво	ХТ/ХТТ ± Тамоксифен 20 мг/сут.	ХТ/ ХТТ → Оператив даво	ХТ/ ХТТ ± Тамоксифен 20 мг/сут. ± А-ГРГ	ХТ/ХТТ + Тамоксифен 20 мг/сут. ± А-ГРГ, ЭТ +/- CDK4/6 ингибиторлари
	Юқори	ХТ/ ХТТ → Оператив даво	ХТ/ ХТТ	ХТ/ ХТТ → Оператив даво	ХТ/ХТТ + Тамоксифен 20 мг/сут. + А-ГРГ	ХТ/ХТТ+ Тамоксифен 20 мг/сут. ± А-ГРГ, ЭТ +/- CDK4/6 ингибиторлари
Постменопауза	Паст	Оператив даво	Тамоксифен 20 мг/сут./ ИА	Тамоксифен 20 мг/сут./ИА Оператив даво	Тамоксифен 20 мг/сут./ ИА	1-линия: Тамоксифен 20 мг/сут. 2-линия: ИА +/- CDK4/6 ингибиторлари 3-линия: Фулвестрант 500 мг +/- CDK4/6 ингибиторлари

	Бироз	Оператив даво	<i>ХТ/ ХТТ ± Тамоксифен 20 мг/сут./ИА</i>	<i>ХТ/ ХТТ</i> → Оператив даво	<i>ХТ/ ХТТ ± Тамоксифен 20 мг/сут./ИА</i>	<i>ХТ/ХТТ ± Тамоксифен 20 мг/сут. ; ИА+/-CDK4/6 ингибиторлари; Фулвестрант 500 мг +/-CDK4/6 ингибиторлари</i>
	Юқори	Оператив даво	<i>ХТ/ ХТТ ± Тамоксифен 20 мг/сут./ИА</i>	<i>ХТ/ ХТТ</i> → Оператив даво	<i>ХТ/ХТТ ± Тамоксифен 20 мг/сут./ИА</i>	<i>ХТ/ХТТ ± Тамоксифен 20 мг/сут.; ИА+/-CDK4/6 ингибиторлари; Фулвестрант 500 мг +/-CDK4/6 ингибиторлари</i>

11-жадвал. Ҳомиладорлик билан ассоциацияланган КБС беморлари терапиясини танлаш алгоритми

Триместр	Жаврроҳлик даволаш	Адьювант дори терапияси
I	Ҳомиладорликни сақлаб қолиш истаги бўлганда – мастэктомия	II триместрда адьювант кимё терапия ± туғруқдан кейин адьювант нур терапия ± туғруқдан кейин адьювант гормонотерапия
II / III эрта	Мастэктомия, ёки аъзо сақловчи операция, ёки неоадьювант кимё терапия	Адьювант кимё терапия + туғруқдан кейин адьювант нур терапия ± туғруқдан кейин адьювант анти-HER-2-терапия + туғруқдан кейин адьювант гормонотерапия
III кечки	Мастэктомия, ёки аъзо сақловчи операци	Адьюванткимё терапия +туғруқдан кейин адьювант нур терапия ± туғруқдан кейин адьювант анти-HER-2-терапия ± туғруқдан кейин

		адьювант гормонотерапия
--	--	-------------------------

Эслатма: туғруқдан кейин (кўрсатмага кўра вагинал ёки абдоминал туғруқлар).

12-жадвал. Ҳомиладорликни сақлаб қолиш ва тўлиқ туғилишни таъминлаш хохиши бўлганда гестация даври (триместри) ва ўсманинг биологик субтипига қараб кўкрак беzi саратони билан оғриган беморларни тизимли дори-дармон билан даволаш [9]

КБС субтипи	Ҳомиладорлик даврига қараб КБСни дори-дармон билан даволаш бўйича тавсиялар		
	Уч ойлик	эрта КБС (нео-, адьювант)	Метаастатик КБС
Гормонга сезгир люминал А (ER+ / PR > 20 % / HER-2- / Ki-67 < 20 %)	Гормонотерапия қарши кўрсатилган		
	I	туғруқдан кейин гормонотерапия, кузатиш	II уч ойликкача кузатув
	II		антрациклин сақловчи кимё терапия
	III		антрациклин сақловчи кимё терапия
Люминал В (ER+ / PR ≥20 % / HER-2- / Ki-67 > 20 %)	I	II уч ойликкача кузатув	Наблюдение до II триместра
	II	антрациклин сақловчи кимё терапия	антрациклин сақловчи кимё терапия
	III	антрациклин сақловчи кимё терапия	антрациклин сақловчи кимё терапия
Люминал В (ER+/PR>20%/HER-2+/Ki-67>20%); HER-2 позитив тип (HER-2+ /ER-/PR-)	Трастузумабом билан таргет анти-HER-2-терапия қарши кўрсатилган		
	I	II уч ойликкача кузатув	Агар кимё терапия ва/ёки анти-HER-2-терапия ўтказиш зарур бўлса, тиббий аборт масаласини ҳал қилиш
	II	антрациклин сақловчи кимё терапия, Зарур бўлса таксанлар; туғруқдан кейин трастузумаб	антрациклин сақловчи кимё терапия, Зарур бўлса таксанлар; туғруқдан кейин трастузумаб

	III	34 ҳафтагача кимё терапия (ўз вақтида туғруқ мақсадга мувофиқ)	
Уч қарра негатив (ER-/ PR-/ HER-2-)	I	II уч ойликкача кузатув	Агар кимё терапия ўтказиш зарур бўлса, тиббий аборт масаласини ҳал қилиш
	II	антрациклин сақловчи кимё терапия, Зарур бўлса таксанлар;	антрациклин сақловчи кимё терапия, Зарур бўлса таксанлар
	III	34 ҳафтагача кимё терапия (ўз вақтида туғруқ мақсадга мувофиқ)	

2) Номедикаментоз даво

Режим:

- I. консерватив даво пайтида беморнинг режими - умумий;
- II. эрта операциядан кейинги даврда - ётоқ ёки ярим ётоқ режими (операция ҳажмига ва ҳамроҳ патологияга қараб);
- III. операциядан кейинги даврда – палата режими.
- IV. Парҳез: Стол – 15, жарроҳлик амалиётидан сўнг №1.

Нур терапия

Нур терапияга кўрсатмалар:

- I. морфологик тасдиқланган ҳавфли ўсма ташҳиси;
- II. илгари комбинацияланган ёки комплекс даволаш олган беморларда касалликнинг рецидивлари, давомли ўсиш ёки прогрессияланишида.

Нур терапия усуллари:

- I. Узлуксиз нур терапия;
- II. SRSда бир фракцияли нур терапия;
- III. Фракционлашган нур терапия БМЎД 1,6 Грдан 12,0 Гргача, ҳафтасига 2-5 фракциядан.
 1. стандарт фракциялаш;
 2. гипо фракциялаш;
 3. гипер фракциялаш;

4. тезлашган фракциялаш;
5. мульти фракциялаш.

Дистанцион нур терапия 2D, 3D, IMRT, RapidArc, IGRT конформ нурланишда БМЎД 1,8-2,0-2,66, 2,67, 5.2 Гр ҳафтасига 5 фракцияда СЎД 50Гр, 42,56 Гр, 40.05 Гр, 25Гр ва 60-70 Гр мустақил режимда, СЎД 10-16 Гр («Boost») аъзо сақловчи операциялардан кейин амалиётдан кейинги даврда. Узлуксиз нур терапия курси қўлланилади. Нур терапия гамматерапевтик ускуналар ёки чизиқли тезлаткичда ўтказилади.

Суммар ва ўчоқли дозаларга эришишда **томотерапия** фракциялашнинг стандарт усули сифатида қўлланилади. Асосий устунлиги - БМЎД \leq 2,5 Грда гипофракциялаш.

Кўкрак беги саратони T1-2N0-1M0 босқичида аъзо сақловчи амалиётлар бажарилганда **интраоперацион** нур терапия қўлланилади. Унда қолган ҳавфли ўсмаларни девитализация қилиш мақсадида олиб ташланган ўсма ўрни электрон тўплам БМЎД 10-20 Гр нурлантирилади.

Ўсма жараёни босқичига қараб нур терапия.

(TisN0M0) босқич. Интрадуктал карцинома in situ.

Радикал резекция бажарилгандан сўнг албатта барча кўкрак беги БМЎД 1,8-2 Гр, СЎД 45-50 Гр операциядан кейинги нур терапия ўтказиш шарт.

Агар ўсманинг четидан терининг четигача масофа 2 мм дан кам бўлса, ўсма ўрнида кўшимча БМЎД 2 Гр, СЎД 10-16Гр локал нур терапияси ўтказиш мажбурийдир. Бутун сут безларига 2,66 Гр, 16 фракцияда, СЎД 42,56 Гр дозада нур терапиясининг гипофракция режимидан фойдаланиш мумкин. Бутун кўкрак беги БМЎД 2,67 Гр, 15 фракция, СЎД 40.05 Гр, БМЎД 5,0 Гр, 5 фракция, СЎД 25 Гр қилиш мумкин.

Лимфадиссекция билан мастэктомия қилинганда нур терапия қилинмайди.

Лобуляр кацинома insitu:

Жарроҳлик даволаш турлари интрадуктал карцинома in situ сингаридир.

Интрадуктал карцинома in situ каби ўтказиладиган плеоморф шаклидан ташқари операциядан кейинги нур терапия ўтказилмайди.

I босқич (T1N0M0)

Аъзо сақловчи амалиётдан сўнг барча кўкрак беги амалиётдан кейинги нурланиш

БМЎД 1,8-2 Гр, СЎД 50 Гр ўсма ўрнини локал нурлаш билан, БМЎД 2 Гр,

СЎД 10-16 Гр (фотон нурланиш, брахитерапия, электрон тутам) бажарилади.

Эхтимол нур терапияни гипофракциялаш БМЎД 2,66 Гр, 16 фракция, СЎД 42,56 Гр, бутун кўкрак безига БМЎД 2,67 Гр, 15 фракция, СЎД 40.05 Гр, БМЎД 5,2 Гр, 5 фракция, СЎД 26 Гр қўлланилиши мумкин.

Интраоперацион нур терапия T1-2N0-1M0 да кўкрак беги аъзо сақловчи амалиётларида қўлланилади. Олиб ташланган ўсма ўрни унда қолган ҳавфли хужайралар девитализацияси мақсадида БМЎД 10-20 Гр электрон тутам билан нурланади. Интраоперацион нур терапия шу мақсадда N1-2да қўлтиқ ости лимфа тугунлари ўрни нурланиши мумкин. Операция ичи НТдан сўнг “буст” нурланиш кўрсатилмаган. “Буст” нурланиш 50 ёшгача бўлган аёлларда кўрсатилган. Аммо, уларда ҳам агар маҳаллий рецидив ҳавф омиллари паст бўлса (резекция четларининг кенглиги, N0, ўсма инвазиясининг йўқлиги) қўлланилмайди. ЮҚТ тозими томонидан ҳамроҳ касалликлари бўлган 70 ёшдан катта гормонга боғлиқ ўсмалар билан беморларда ва резекция четлари негатив бўлганда нур терапиядан воз кечиш мумкин ва бунда яшовчанликда ўзгариш бўлмайди.

Нур терапияни гипофракциялаш режими кўкрак безига БМЎД 2,66 Гр, 16 фракция, СЎД 42,56 Гр қўлланилиши мумкин.

Эслатма. Мастэктомиядан сўнг нур терапия қўлланилмайди.

II- IIIВ босқичлар (T0N1M0; T1N1M0; T2N0M0, T2N1M0; T3N0M0, T3N1M0)

Аъзо сақловчи амалиётдан сўнг:

Қўлтиқ ости лимфа тугунларида метастазлар бўлмаганда бутун кўкрак безини нурлаш бажарилади: БМЎД 1,8-2 Гр СЎД 45-50 Гр ўсма ўрнини қўшимча нурлаш билан бирга (кўрсатмага кўра) СЎД 10-16 Гр (фотон нурланиш, брахитерапия ёки электрон тутам).

Бутун кўкрак безига БМЎД 2,66 Гр, 16 фракция, СЎД 42,56 Гр, БМЎД 2,67 Гр, 15 фракция, СЎД 40.05 Гр, БМЎД 5,2 Гр, 5 фракция, СЎД 26 Гр нур терапияни гиперфракциялаш режими қўлланилиши мумкин.

Регионар лимфа тугунлари шиккастланишида шиккастланган томонда ўмров усти ва ости соҳаларига БМЎД 1,8-2 Гр СЎД 45-50 Гр операциядан кейинги нур терапия ўтказиш шарт.

Интраоперацион нур терапия БМЎД 10-12Гр бир марта қўлланилади. Эслатма. Операция ичи нур терапияси олган беморларга “буст” нурланиш кўрсатилмаган.

Операциядан кейинги НТ дозани класик фракциялаш режимида ўтказилади (БМЎД 2 Гр, СЎД 50 Гр эквивалент дозагача). Нурланиш майдони: ўмров усти,

кўлтиқ ости, парастернал, кўкрак девори (рТЗ, 4 да) [11,12] (ИД – А);

13-жадвал. Аъзо сақловчи операциядан сўнг операциядан кейинги нур терапия ўтказишда нурланиш ҳажми

-	0 босқич Интрадуктал карцинома insitu	I босқич	IIA босқич (T0N1M0; T1N1M0; T2N0M0) IIB босқич (T2N1M0; T3N0M0) IIIA босқич (T3N1M0)		IIIA босқич (T0N2M0; T1N2M0; T2N2M0; T3N2M0) IIIB босқич (T4N0M0; T4N1M0; T4N2M0)
Аъзо сақловчи амалиёт	CTV (кўкрак беги тўқимаси) PTV (CTV + 5-7 мм) Ўсма ўрнини локал кўшимча нурлашда БМЎД 2 Гр, СЎД 16 Гр: CTV – ўсма ўрни скрепкалар билан маркировка қилиниши керак PTV – (CTV + 5-7 мм) musculuspectoralismajor НТ зонасидан чиқарилади. PTV тери юзасида 5 мм пастда бўлиши керак	Қўлтиқ ости лимфа тугунларида метастазлар бўлмаганда (N-)	CTV (кўкрак беги тўқимаси) PTV (CTV + 5-7 мм) Ўсма ўрнини локал кўшимча нурлашда БМЎД 2 Гр, СЎД 16 Гр: CTV – ўсма ўрни скрепкалар билан маркировка қилиниши керак PTV – (CTV + 10 мм). musculuspectoralismajor НТ зонасидан чиқарилади. PTV тери юзасида 5 мм пастда бўлиши керак	CTV (кўкрак беги тўқимаси) PTV (CTV + 5-7 мм) Ўсма ўрнини локал кўшимча нурлашда БМЎД 2 Гр, СЎД 16 Гр: CTV – ўсма ўрни скрепкалар билан маркировка қилиниши керак PTV – (CTV + 10 мм) PTV тери юзасида 5 мм пастда бўлиши керак musculuspectoralismajor НТ зонасидан чиқарилади. Субклиник тарқалиш соҳалари: Ўмров усти л/т, ўмров ости л/т	
		Қўлтиқ ости лимфа тугунларида метастазлар бўлганда (N+)	CTV (кўкрак беги тўқимаси) PTV (CTV + 3-5 мм) Ўсма ўрнини локал кўшимча нурлашда БМЎД 2 Гр, СЎД 16 Гр:	CTV (лимфа тугунлар) PTV (CTV + 3-5 мм)	

			<p>CTV – ўсма ўрни скрепкалар билан маркировка қилиниши керак PTV – (CTV + 10 мм)</p> <p>musculuspectoralism ајор НТ зонасидан чиқарилади. PTV тери юзасида 5 мм пастда бўлиши керак. Субклиник тарқалиш соҳалари: Ўмров усти л/т, ўмров ости л/т</p>	
--	--	--	---	--

14-жадвал. Радикал мастэктомиядан сўнг амалиётдан кейинги НТ ўтказишда нурланиш кўлами

-	0 босқич Интрадуктал карцинома in situ	I босқич	IIA босқич (T0N1M0; T1N1M0; T2N0M0); IIB босқич (T2N1M0; T3N0M0); IIIA босқич (T3N1M0).	IIIA босқич (T0N2M0; T1N2M0; T2N2M0; T3N2M0) IIIB босқич (T4N0M0; T4N1M0; T4N2M0)	IIIC босқич (Ҳар қандай TN3M0)	
Радикал маст- эктомия	Нур терапия ўтказилмайди		- кўлтиқ ости лимфа тугунлари метастатик зарарланмаган, - ўсма ўлчами < 5 см,	CTV (барча тўқималар, шу жумладан кўкрак қафаси) PTV (CTV +5-7 мм)	CTV (барча тўқималар, шу жумладан кўкрак қафаси) PTV (CTV + 5-7 мм) Субклиник тарқалиш соҳалари: Ўмров усти л/т, ўмров ости л/т	CTV (барча тўқималар, шу жумладан кўкрак қафаси) PTV (CTV + 3-5 мм) Субклиник

		- резекция қирраси позитив		CTV (лимфа тугунлар) PTV (CTV + 5-7 мм)	тарқалиш соҳалари: қўлтиқ ости, ўмров усти л/т, ўмров ости л/т. CTV (лимфа тугунлари) PTV (CTV + 3-5 мм)
		- қўлтиқ ости лимфа тугунлари метастатик зарарланмаган ва ўсма ўлчами > 5 см, T4 - қўлтиқ ости лимфа тугунларининг зарурланиши (N+, T0-3), - резекция мусбат қирраси	CTV (барча тўқималар, шу жумладан кўкрак қафаси) PTV (CTV + 5-7 мм). Субклиник тарқалиш соҳалари: Ўмров усти л/т, ўмров ости л/т CTV (лимфа тугунлари) PTV (CTV + 5-7 мм)		

Метастатик КБСда нур терапияси.

• Бош миянинг метастатик шикастланиши

Мияда солитар метастаз бўлса, даволаш тактикасини маммолог жарроҳ, радиолог онколог, кимётерапевт ва нейрохирург билан маслаҳатлашиб, даволаш тактикасини (жарроҳлик, НТ, кимётерапия, темозоломид юбориш) аниқлаш керак.

1. Бош мияни С1 бўйин умуртқасигача тотал нурлантириш:

- a. БМЎД 2,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-40 Гр;
- b. БМЎД 2,5 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-35 Гр;
- c. БМЎД 3,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-33 Гр;
- d. БМЎД 4,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 20 Гр.

2. Бош мияни локал нурлаш

- a. стереотаксик радиохирургия (SRS) - БМЎД 10,0 – 30,0 Гр 1 фракция метастаз ўлчами диаметри 3 смдан катта бўлганда;
- b. стереотаксик радиотерапия (SRT) – БМЎД 6,0-10,0 Гр 3-5 фракция метастаз ўлчами 3,0 смдан 6,0 смгача бўлганда;
- c. метастазларни локал нурланиш БМЎД 2,0-3,0 СЎД 20-60 Гргача. Нурланиш яқунлангандан сўнг кимё терапия консултацияси мажбурий.

• Суякларни метастатик шикастланиши

Умуртқа шикастланганда, зарарланга умуртқа, ундан юқоридаги ва пастдаги 1 тадан умуртқанурланиш ҳажмига киради. Метастатик шикастланиш умуртқанинг бўйин ва кўкрак қисмларида жойлашганда БМЎД 2,5 Гр, 3 Гр, 4 Гр, 8 Гр СЎД 25 Гргача, 30 Гр, 24 Гр ва нурланиш майдони узунлиги 10 смдан катта бўлганда. Локал нурланиш соҳаси 10 смдан кичик бўлганда СЎД 28 Гргача оширилиши мумкин. Скелет суякларининг бошқа суяклари шикастланганда атроф нормал тўқималар толерантлигини ҳисобга олган ҳолда СЎД 60 Грни ташкил этиши мумкин.

Кучли оғриқ қиндромида ва режалаштирилган нурланиш соҳасида орқа мия эзилиши бўлмаганда, симптоматик оғриқ қолдириш мақсадида зарарланиш соҳасига СЎД 8 Гр бир марта локал нурланиш ўтказиш мумкин.

• Жигарнинг метастатик шикастланиши

Жигарда метахрон солитар метастатик ўчоқ аниқланганда, даволаш тактикаси жарроҳ, радиолог ва кимётерапевт иштирокидаги консилиум орқали аниқланади. Тизимли терапия ва метастазни жарроҳлик йўли билан олиб ташлашдан бош тортган тақдирда нур терапияси ўтказилади.

Локал зарарланишда (солитар ўчоқ) метастаз соҳасига нишонли БМЎД 2 Гр, СЎД 60 Гр нур терапия ўтказилади.

Кўплаб шикастланишда жигарни БМЎД 2 Гр, СЎД 30-40 Гр нурлантириш мумкин.

3) Медикаментоз даволаш

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтмаган дори воситаларининг клиник баённомага киритилиши бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида ва мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизимида харажатларни қоплаш учун асос бўлмайди.

Кимё терапия.

Қўллаш мақсади бўйича фарқ қилувчи бир неча турдаги кимётерапия мавжуд:

- ўсмаларнинг неоадьювант кимё терапияси операциядан олдин, нооперабел ўсмани кичрайтириш мақсадида, шунингдек операциядан кейин буюриш учун препаратларга сезгирлигини аниқлаш мақсадида буюрилади.
- адьювант кимё терапия жарроҳлик давосидан сўнг метастазланиш ва рецидивлар ҳавфини камайитириш мақсадида буюрилади.
- даволовчи кимё терапия метастатик саратон хужайраларини кичратитириш мақсадида ўтказилади.

Локализацияга ва ўсма турига боғлиқ равишда кимё терапия турли схемаларда буюрилади ва ўз хусусиятларига эга.

Кимё терапияга кўрсатмалар:

- цитологик ва гистологик тасдиқланган КБС;
- маҳаллий тарқалган ўсмаларни даволашда;
- регионар лимфа тугунларида/узоқ аъзоларда (ўпка, жигар, бош мия, суякларда) метастазлар;
- ўсма рецидивлари;
- беморда қон сцурати қониқарли бўлиши: гемоглобин ва гемокрит, гранулоцитлар абсолют сони нормал –200 дан ортиқ бўлганда, тромбоцитлар – 100000 дан ортиқ бўлганда;
- жигар, буйрақлар, нафас тизими ва ЮҚТ фаолияти сақланганда;
- нооперабел жараённи операбел жараёнга ўтказилганлик эхтимолида;
- бемор операциядан бош тортганда;

- ўсманинг ёмон фенотипларида (уч карра негатив, Her2-негатив саратонда) узок даволаш натижаларини яхшилаш.

Кимё терапияга қарши кўрсатмалар:

Кимё терапияга қарши кўрсатмалар икки гуруҳга бўлиш мумкин: абсолют ва нисбий.

Абсолют қарши кўрсатмалар:

- гипертермия >38 градус;
- декомпенсация босқичидаги касалликлар (юрак-қон томир , нафас олиш тизими, жигар, буйраклар);
- ўткир инфекцияон касалликларнинг мавжудлиги;
- психик касалликлар;
- битта ёки бир нечта мутахассислар томонидан тасдиқланган, ушбу давонинг самарадорлиги;
- ўсмани парчаланиши (қон кетиш ҳавфи);
- Карновский шкаласи бўйича 50% ва ундан кам бемор умумий аҳволининг оғирлиги (1-иловага қаранг).

Нисбий қарши кўрсатмалар:

- 16-18 ҳафталик ҳомиладорлик;
- организм интоксикацияси;
- фаол ўпка туберкулези;
- қон таркибининг турғун патологик ўзгаришлари (анемия, лейкопения, тромбоцитопения);
- кахексия.

Қуйида КБС да энг кўп ишлатиладиган поликимё терапия режимларининг схемалари келтирилган. Улар неоадьювант (индукцион) кимётерапия ва адьювант поликимё терапия учун, сўнгра жарроҳлик аралашуви ва нур терапияси, шунингдек рецидив ва метастатик ўсмалар учун ишлатилиши мумкин.

Неoadъювант терапия

КБС учун неoadъюван тизимли терапияни тайинлаш учун асослар куйидагилар:

- яширин тарқалганлик (метастазланиш) нинг юқори эҳтимоли;
- “тоза” резекцион қирралар чегарасида жарроҳик амалиёти ҳажмини қисқартириш имконияти;
- in vivo терапиясига клиник жавобни баҳолаш имконияти;
- ўсма регрессия даражасини аниқ патоморфологик баҳолашнинг қулайлиги;
- асосий тизимли даволаш олдидан, даво вақтида ва даводан сўнг биопсия ўсма материалларини махсус текшириш имконияти.

Эслатма. Медуляр саратон ва аденокистоз карциномада адъювант кимё терапия қўлланилмаслиги мумкин (лимфа тугунлари зарарланиши бўлмаганда); **Неoadъювант тизимли терапия буюрилганда, тўлиқ клиник босқичлашни даволанишни бошлашдан олдин ўтказиш керак.**

15-жадвал. Хавфига қараб КБСни тизимли даволаш.

Менструал статус	Паст хавф	Юқори хавф
Гормонга сезгир ўсмалар		
Менструация кузатилувчилар	Антиэстрогенлар CDK4/6 ингибиторлари +ЭТ	Кимё терапия + антиэстроген (тухумдон фаолияти тўхтатилганда)
Постменопауза	Антиэстрогенлар; Ароматаза ингибиторлари CDK4/6 ингибиторлари +ЭТ	Гормонотерапия (Антиэстрогенлар; ароматаза ингибиторлари) ёки Кимё терапия + Гормонотерапия (Антиэстрогенлар; ароматаза ингибиторлари)
Гормон резистент ўсмалар		
Менструация кузатилувчилар	CDK4/6 ингибиторлари +Фулвестрант	Кимё терапия

Постменопауза	CDK4/6 ингибиторлари +Фулвестрант	Кимё терапия
---------------	--------------------------------------	--------------

Молекуляр-биологик субтипига қараб адъювант/неоадъювант* систем терапия

1. Люминал А тип.

Эрта КБСда (T1-2N0M0) гормон терапияси фақат оғир ҳамроҳ касалликлар мавжуд бўлганда ва максимал таъсирга эришилгунга қадар жарроҳлик даволашга мутлақ қарши кўрсатмалар мавжуд бўлганда, сўнгра нур терапияси билан амалга оширилади.

T2-4N1-3M0 маҳаллий - тарқалган нооперабел КБСда антиэстрогенлар ва ароматаза ингибиторлари билан гормон терапиясини буюриш тавсия этилади, ҳар 3 ойда клиник ва инструментал баҳолаш билан максимал таъсирга эришилгунга қадар даволанишни амалга ошириш тавсия этилади.

* Кўпгина ҳолларда адъювант/неоадъювант кимётерапияни тайинлаш (гормон терапиясига қўшимча равишда) камида иккита параметр мавжуд бўлганда мумкин:

- Тарқалган жараёнда (≥ 4 та шикастланган регионар лимфа тугунлар; $\geq T3$);
- G III;
- кичик ёш;
- ҳомиладорликнинг мавжудлиги;
- ўтказилган неоадъювант гормон терапиядан сўнг қайта биопсия/амалиётдан кейинги материални дастлабки Ki67 кўрсаткичларини ошиши.

2. Люминал В (HER2 манфий) тип. Гормонотерапия + кўпчилик ҳолатларда кимё терапия;

- T1a (≤ 5 мм) ва N0 да: фақат адъювант гормонотерапия. Бошқа ҳолатларда, гормон терапияга қўшимча равишда антрациклин- ва таксан сақловчи схемаларда кимётерапия;
- адъювант кимётерапия режимига платина қатори дориларни фақат BRCA1/2 ген мутацияси мавжуд бўлганда қўшиш.

3. Люминал В (HER2 мусбат) тип. Кимё терапия + анти-HER2 терапия+ гормонотерапия;

- T1a (≤ 5 мм) ва N0 да: фақат адъювант гормон терапия; кимё терапия ва трастузумаб кўрсатилмаган;
- T1b, c (> 5 мм, но ≤ 20 мм) ва N0 да: эхтимол паклитаксел билан (антрациклинларсиз) кимё терапия трастузумаб билан бирга (кейинчалик

гормонотерапия билан);

- T2-T4 (> 20 мм) ёки N+ да: биринчи этапда антрациклинлар, кейинчалик таксанлар + трастузумаб ± пертузумаб (кейинчалик гормонотерапия билан);
- антрациклинларни буюришга қарши кўрсатмалар бўлганда ТСН ёки ТСНР режими тавсия қилиниши мумкин;

4. **HER2 мусбат (но люминал) тип.** Кимё терапия + анти-HER2 терапия.

- T1a (≤ 5 мм) ва N0 да: системали терапия кўрсатилмаган;
- T1b (> 5 мм, лекин ≤ 10 мм) ва N0 да: эхтимол таксанлар билан (антрациклинларсиз) кимё терапия трастузумаб билан биргаликда;
- T1c-T4 (> 10 мм) ёки N+ да: биринчи босқичда антрациклинлар, кейинчалик таксанлар + трастузумаб ± пертузумаб;

• RCB II ёки RCB III да – трастузумаб эмтанзин;

- антрациклинларни буюришга қарши кўрсатмалар бўлганда ТСН ёки ТСНР режими тавсия қилиниши мумкин;

5. **Уч карра негатив (дуктал) тип.** Антрациклинлар ва таксанларни ўз ичига олувчи кимё терапия;

- T1a (≤ 5 мм) ва N0 да: системали терапия кўрсатилмаган;
- адъювант кимётерапия режимига платина қатори дориларни фақат BRCA1/2 ген мутацияси мавжуд бўлганда қўшиш.

*тўла кўламда неоадъювант кимё терапия олган беморларга адъювант кимё терапия тавсия этилмайди (тўла патоморфологик самарага эришилганда). Неоадъювант кимё терапияси бирон сабабга кўра операциядан олдин тўлиқ бажарилмаган ҳолларда, етишмаётган курсларни операциядан кейинги даврда ўтказиш тавсия этилади. Антрациклинлар ва таксанлар билан неоадъювант кимётерапиясини тўлиқ қабул қилган уч карра салбий фенотибли (салбий ER, PR ва HER2) СБС бўлган беморларда қолдиқ ўсма мавжуд бўлганда капецитабин билан ёрдамчи кимё терапияси (2000 мг/м² 1-14 кунларда 3-кун 6 ой давомида) буюрилиши мумкин.

- Неоадъювант режим*: пембролизумаб 200 мг (21 кунда 1 марта) + паклитаксел (хар хафта) + карбоплатин (3 хафтада 1 марта) – жами 4 цикл, кейинчалик пембролизумаб 200 мг (21 кунда 1 марта) + доксорубицин/эпирубицин + циклофосфамид – жами 4 цикл
- Адъювант режим*: пембролизумаб билан монотерапия: 200 мг 21 кунда 1 марта – 9 цикл.

HER2-манфий кўкрак беги саратонини нео- ва адъювант кимё терапияси режимлари.

1. доксорубицин 60 мг/м² в/и 1-кун + циклофосфамид 600 мг/м² в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта, 4 курс (AC)*.
2. AC х 3 ҳафтада 1 марта, 4 цикл, кейинчалик
 - доцетаксел 75-100 мг/м² в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта, 4 курс, ёки
 - паклитаксел 80 мг/м² в/и ҳар ҳафта, 12 юбориш, ёки
 - паклитаксел 175 мг/м² в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта, 4 курс.
3. AC х 3 ҳафтада 1 марта, 4 цикл, кейинчалик
 - доцетаксел 75-100 мг/м² в/и 1-кун + карбоплатин AUC 5-6 в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта, 4 курс**, ёки
 - паклитаксел 80 мг/м² в/и ҳар ҳафта + карбоплатин AUC 2 в/и в ҳар ҳафта, 12 юбориш**, ёки
 - паклитаксел 80 мг/м² в/и ҳар ҳафта + карбоплатин AUC 5-6 в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта, 4 курс**, ёки
 - паклитаксел 175 мг/м² в/и 1-кун + карбоплатин AUC 5-6 в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта, 4 курс**.
4. AC 1-кун, **ҳар 2 ҳафтада**, 4 курс*†. 3 дан 8-кунлар, ҳар курсда КСФ буюрилади – граноцит 33,6 млн.МЕ т/о . кейинчалик
 - паклитаксел 80мг/м² ҳар ҳафта, 12 ҳафта, ёки
 - доцетаксел 75-100мг/м² 1-кун 3 ҳафтада 1 марта, 4 курс, ёки
 - паклитаксел 175 мг/м² в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта, 4 курс.
- зарарланган томонда қўлда шишнинг мавжудлиги.

Палпация:

- сут безлари (вертикал ва горизонтал ҳолатда);
- регионар ва бўйин-ўмров усти лимфа тугунлари (одатда тик ҳолатда бажарилади).

4) Лаборатор текширувлар, синдромни аниқлаш учун зарур, паллиатив ёрдам ташкилотига касалхонага ётқизишдан олдин амалга оширилади:

- клиник кўрсатмаларга кўра бажариш тавсия қилинади:

Агар метастатик кўкрак беши саратонига шубҳа қилинган бўлса, батафсил клиник ва биокимёвий қон таҳлиллари, шу жумладан жигар функцияси параметрлари (билирубин, АЛТ, АСТ, ишқорий фосфатаза), қон ивиш тизимини текшириш тавсия этилади.

50 ёшгача бўлган аёлларда гормонга боғлиқ кўкрак беши саратонига тухумдонлар фаолиятини баҳолаш ва гормон терапиясини режалаштириш учун қон зардобдаги фолликула стимуловчи гормон даражасини ва қондаги умумий эстрадиол даражасини ўрганиш тавсия этилади.

- цитологик текширув (атипик хужайралар ҳажмининг гигант даражагача каталаниши, хужайра ичидаги элементларнинг шакли ва сонининг ўзгариши, ядро ҳажмининг ошиши, унинг контурлари, ядро ва бошқа хужайра элементларининг турли даражадаги етуклиги, ядрочалар сони ва шаклининг ўзгариши);
- гистологик текширув: ўсманинг гистологик тури, дифференциация даражаси (grade – тубулалар ҳосил қилиш қобилияти, ядро полиморфизми, митозлар сони), некроз мавжудлиги, томирлар инвазияси, инфильтрацияловчи лимфоцитлар ўсмаси, калцинатлар мавжудлиги.

- Калит маркерларга иммуногистохими текширишлар:

- 1) Эстроген ва прогестерон рецепторлар, HER2, Ki67. Метастазланишда, агар клиник жиҳатдан имкон бўлса, биологик маркерларни камида бир марта қайта баҳолаш тавсия этилади [1, 5];
- 2) ИГХнинг HER2 га шубҳали натижасида, *in situ* гибридизацияси усулида HER2/neu гени амплификациясини аниқлаш (CISH ёки FISH);

- 3) Иммунотерапия масаласини ҳал қилиш учун уч карра негатив КБСда PD-L1 миқдорини аниқлаш;
- 4) Зарурат бўлса: Cytokeratin 5/6, Calponin-1, E-Cadherin, GCDFP-15, Mammaglobin, p120 ва Topoisomerase IIa ни аниқлаш.

PARP ингибиторлари (олапариб¹ ва талазопариб) ни буюриш масаласини ҳал қилиш мақсадида, ёши, оилавий анамнези ва КБСнинг туридан қатъий назар мКБС ва прогрессияланишда, герминал BRCA1/2 мутацияларини аниқлаш учун молекуляр генетик тестлаш барча беморларга кўрсатма бўлади [6,7]. Герминал BRCA1 ёки 2 генининг ижобий мутациясига эга бўлган аёлларда 70 ёшдан олдин кўкрак беzi саратони билан касалланиш 45-65% ни ташкил қилади. Бу генлар кўпинча аниқланади:

- Оғилшаган отлавий анамнезда (яқин қариндошларда < 50 ёшида кўкрак беzi саратони, эркакларда кўкрак беzi саратони, тухумдон саратони, метастатик простата саратони, ошқозон ости беzi саратони мавжудлиги);
- 45 ёшдан кичик беморлар;
- 60 ёшдан кичик аёллар, КБСнинг уч карра негатив феотипида;
- Бирламчи кўплаб КБС;
- КБСнинг жарроҳлик давоси, неоадъювант ёки адъювант даводан сўнг рецидив хавфи юқори бўлган HER2 негатив феотипли беморларда;
- эркакларда КБСда.

Плазма ва тўқимада қуйидагиларни аниқлаш учун ПЗР: алпелисиба*ни фулвестрант билан комбинациясини буюриш масаласини ҳал қилиш учун HR-позитив/HER2- негатив мКБСда PIK3CA мутациясини баҳолаш [6, 7].

Тарқалган кўкрак беzi саратони (уч карра негатив ва прогрессияланувчи HER2+) да оғир клиник кечишли, агрессив ўсмали, прогрессиянинг юқори хавфили, ўсмага қарши даволаш анъанавий усуллари таъсири қилмаган беморларда комплекс геном профиллаш

Эслатма: 1 олапариб BRCA мутациялар мавжуд бўлганда, адъювант режимда* ва метастатик жараёнда буюрилади.

5) Инструментал текширувлар, синдромни аниқлаш учун зарур, паллиатив ёрдам ташкилотида касалхонага ётқизишдан олдин амалга оширилади [ИД-А]:

- Сут безлари, регионар лимфа тугунларининг УТТси: таркибида катта/кичик микрокалцинатлар бўлган гипоезоген структураларнинг мавжудлиги, контурлари нотекис, юлдузсимон, аралаш эзогенликдаги жойлари бўлиши мумкин, тугун тузилиши гетероген, васкуляризация кучайиши мумкин;

- Маммография: (икки проекциядаги маммограммаларда тузилишида бир нечта микрокалцинатлар бўлган шаклсиз гетероген зичлашишлар, строманинг кучли деформацияси, терининг, сўрғич-ареола комплексининг қалинлашиши, сўрғич тортилган бўлиши мумкин, қамраб олинган лимфа тугунларининг мавжудлиги);
- Контраст спектрал маммография (CESM усули): Ёд сақловчи контраст моддани томир ичига юборгандан сўнг, юмшоқ ва қаттиқ тасвирлар олинувчи маммографиядан иборат. CESM усули кўкрак беши саратонининг эрта шакллари ташхислашда маълумотли бўлади, кўкрак бешининг зич қисмида патологияни аниқлашга имкон беради ва ҳавfli ва ҳавфсиз ўсмаларни дифференциал диагностикаси сифатида ишлатилади. Текширишни ўтказишдан олдин қондаги креатинин ва мочевина даражаси баҳоланади. Ёд сақловчи контраст модда вена ичига беморнинг вазнига 1,0-1,5 мл миқдорида юборилади. Тасвирлар контраст модда киритилгандан кейин 2-7 минут вақт оралиғида кранио-каудал (CC) ва медиолатерал (MLO) иккита проекцияда олинади;
- Қуйидаги кўрсатмаларда маҳаллий тарқалишни баҳолаш учун кўкрак беши МРТси бажарилади: 30 гача бўлган ёш, BRCA1 ва BRCA2 генларида мутацияларнинг мавжудлиги; кўкрак беши безларининг рентгенологик юқори зичлиги; юқори сифатли маммографик текширувни амалга оширишнинг иложи бўлмаганда кўкрак беши имплантларининг мавжудлиги; in situ лобуляр саратоннинг мавжудлиги [5];
- Дуктография: (сўрғич орқасида интрадуктал ҳосилалар мавжуд бўлганда, ҳажми ва унинг сўрғич-ареоляр комплексидан масофасини аниқлаштириш учун амалга оширилади);
- Ўсма ҳосиласининг пункцион биопсияси (цитологик текширув хужайра ҳажмининг гигант ўлчамларгача ўсишини, хужайра ичидаги элементларнинг шакли ва сонининг ўзгаришини, ядро ҳажмининг, унинг контурларининг катталлашишини, ядро ва бошқа хужайра элементлари етуклигининг турли даражасини, ядрочалар сони ва шаклининг ўзгаришини кўрсатади);
- Трепан-биопсия ёки экспресс гистология билан кўкрак беши секторал резекцияси (ўсманинг гистологик верификацияси: ўсманинг гистологик тури, дифференциация даражаси (grade – найчалар шакллантириш хусусияти, ядро полиморфизми, митозлар сони), некроз, қон томир инвазияси, инфильтрацион лимфоцитлар ўсмаси (TILS), калцификация мавжудлиги);
- Қорин бўшлиғи ва қорин парда орти соҳаси УТТси / кичик чаноқ УТТси: (жигарнинг метастатик шикастланишида унинг структураси ҳар-хил жинсли бўлади, юмалоқ шаклли, нотекис аниқ контурли, периферия бўйлаб гипоехоген ҳалқали, битта ёки бир нечта ҳосилалар);

- Қорин бўшлиғи органларининг ультратовуш текшируви натижалари ноаниқ ёки етарли маълумотга эга бўлмаса, томир ичига контрастли қорин бўшлиғи органларининг компьютер томографияси ёки МРТси;
- Кўкрак беги қафаси умумий рентген текшируви/компьютер томографияси: (метастатик ўпка шикастланганда, барча ўпка майдонларида ёки сегментда аниқ контурли, турли ўлчамдаги бир нечта/битта ўрта фокусли соялар аниқланади);
- Скелет суяқларини сцинтиграфияси: (патологик суяк ҳосилалари ўчоқларида остеоген препаратнинг гиперфиксацияси) кўкрак беги саратони тарқалишини баҳолаш учун скелет суяқларининг метастатик шикастланишига шубҳа қилинган тақдирда;
- ПЭТ-позитрон-эмиссион томография: (патологик ўчоқларда препаратнинг йиғилиши), туморотроп РФП ли компьютер томография билан биргаликда (контраст билан ёки усиз) (ПЭТ-КТ) стандарт босқични баҳоловчи усуллар наф бермаганда ва айниқса метастаз аниқланиши даво тактикасини тубдан ўзгартирадиган маҳаллий тарқалган жараён ҳолатларида, КБСни тарқалганлик даражасини аниқлаш учун [5];
- Бош мияда метастазлар борлигига гумон қилинганда, метастатик жараённи истисно қилиш мақсадида в/и контрастлаш билан бош миянинг МРТси ёки КТси;

4. Паллиатив тиббий ёрдамнинг мақсадлари:

- ✓ Оғриқ ва бошқа оғриқли аломатларнинг олдини олиш ва йўқ қилиш, беморнинг азобини енгиллаштириш;
- ✓ Саратон касаллигининг ривожланишини секинлаштириш ва беморнинг умрини узайтириш;
- ✓ Бемор ҳаёти фаровонлигини ошириш ҳаёт сифатини яхшилаш;
- ✓ Психологик, ижтимоий, маънавий қўллаб-қувватлаш, психосоматик томонидан қўллаб-қувватлаш;
- ✓ Ўсмага қарши даволашнинг ножўя таъсирини енгиш учун;

5. Паллиатив тиббий ёрдам кўрсатиш тактикаси:

- ўсма ўқоғи ва метастазларни кичрайтириш;
- ўсма жараёни қисман регрессияси ёки стабилизациясига эришиш;
- ҳаёт сифатини яхшилаш;
- ҳаёт давомийлигини узайтириш.

1) Паллиатив ёрдам кўрсатишда беморни кузатиш картаси, беморни маршрутизацияси (схемалар, алгоритмлар).

Менструал статус		IV босқич
Пре менопауза	Паст	1-линия: Тамоксифен 20 мг/сут. + А-ГРГ 2-линия: ИА +/- CDK4/6 ингибиторлари 3-линия: Фулвестрант 500 мг +/-CDK4/6 ингибиторлари
	Ўртача	ХТ/ХТТ + Тамоксифен 20 мг/сут. ± А-ГРГ, ЭТ +/-CDK4/6 ингибиторлари
	Юқори	ХТ/ХТТ+ Тамоксифен 20 мг/сут. ± А-ГРГ, ЭТ +/-CDK4/6 ингибиторлари
Пост менопауза	Паст	1-линия: Тамоксифен 20 мг/сут. 2-линия: ИА +/-CDK4/6 ингибиторлари 3-линия: Фулвестрант 500 мг +/-CDK4/6 ингибиторлари
	Ўртача	ХТ/ХТТ ± Тамоксифен 20 мг/сут. ; ИА +/-CDK4/6 ингибиторлари ; Фулвестрант 500 мг +/-CDK4/6 ингибиторлари
	Юқори	ХТ/ХТТ ± Тамоксифен 20 мг/сут.; ИА +/-CDK4/6 ингибиторлари ; Фулвестрант 500 мг +/-CDK4/6 ингибиторлари

32-жадвал. Ҳомиладорликни сақлаб қолиш ва тўлиқ туғилишни таъминлаш хохиши бўлганда гестация даври (триместри) ва ўсманинг биологик субтипига қараб кўкрак беши саратони билан оғриган беморларни тизимли дори-дармон билан даволаш [9]

КБС субтипи	Ҳомиладорлик даврига қараб КБСни дори-дармон билан даволаш бўйича тавсиялар		
	Уч ойлик	эрта КБС (нео-, адьювант)	Метастатик КБС
Гормонга сезгир люминал А (ER+ / PR > 20 % / HER-2- / Ki-	Гормонотерапия қарши кўрсатилган		
	I	туғруқдан кейин	II уч ойликкача кузатув

67 < 20 %)	II	гормонотерапия, кузатиш	антрациклин сақловчи кимё терапия
	III		антрациклин сақловчи кимё терапия
Люминал В (ER+ / PR ≥20 % / HER-2- / Ki-67 > 20 %)	I	II уч ойликкача кузатув	Наблюдение до II триместра
	II	антрациклин сақловчи кимё терапия	антрациклин сақловчи кимё терапия
	III	антрациклин сақловчи кимё терапия	антрациклин сақловчи кимё терапия
Люминал В (ER+/PR>2 0%/HER-2+/Ki-67>20 %); HER-2 позитив тип (HER-2+ /ER-/PR-)	Трастузумабом билан таргет анти-HER-2-терапия карши кўрсатилган		
	I	II уч ойликкача кузатув	Агар кимё терапия ва/ёки анти-HER-2-терапия ўтказиш зарур бўлса, тиббий аборт масаласини ҳал қилиш
	II	антрациклин сақловчи кимё терапия, Зарур бўлса таксанлар; туғруқдан кейин трастузумаб	антрациклин сақловчи кимё терапия, Зарур бўлса таксанлар; туғруқдан кейин трастузумаб
	III	34 ҳафтагача кимё терапия (ўз вақтида туғруқ мақсадга мувофик)	
Уч қарра негатив (ER-/ PR-/ HER-2-)	I	II уч ойликкача кузатув	Агар кимё терапия ўтказиш зарур бўлса, тиббий аборт масаласини ҳал қилиш
	II	антрациклин сақловчи кимё терапия, Зарур бўлса таксанлар;	антрациклин сақловчи кимё терапия, Зарур бўлса таксанлар
	III	34 ҳафтагача кимё терапия (ўз вақтида туғруқ мақсадга мувофик)	

1) Паллиатив номедикаментоз даво

Режим:

- V. консерватив даво пайтида беморнинг режими - умумий;
- VI. эрта операциядан кейинги даврда - ётоқ ёки ярим ётоқ режими (операция хажмига ва ҳамроҳ патологияга қараб);
- VII. операциядан кейинги даврда – палата режими.
- VIII. Парҳез: Стол – 15, жарроҳлик амалиётидан сўнг №1.

Паллиатив нур терапия

Нур терапияга кўрсатмалар:

- III. морфологик тасдиқланган ҳавфли ўсма ташҳиси;
- IV. илгари комбинацияланган ёки комплекс даволаш олган беморларда касалликнинг рецидивлари, давомли ўсиш ёки прогрессияланишида.

Нур терапия усуллари:

- IV. Узлуксиз нур терапия;
- V. SRSда бир фракцияли нур терапия;
- VI. Фракционлашган нур терапия БМЎД 1,6 Грдан 12,0 Гргача, ҳафтасига 2-5 фракциядан.
 1. стандарт фракциялаш;
 2. гипо фракциялаш;
 3. гипер фракциялаш;
 4. тезлашган фракциялаш;
 5. мульти фракциялаш.

Дистанцион нур терапия 2D, 3D, IMRT, RapidArc, IGRT конформ нурланишда БМЎД 1,8-2,0-2,66, 2,67, 5.2 Гр ҳафтасига 5 фракцияда СЎД 50Гр, 42,56 Гр, 40.05 Гр, 25Гр ва 60-70 Гр мустақил режимда, СЎД 10-16 Гр («Boost») аъзо сақловчи операциялардан кейин амалиётдан кейинги даврда. Узлуксиз нур терапия курси қўлланилади. Нур терапия гамматерапевтик ускуналар ёки чизиқли тезлаткичда ўтказилади.

Суммар ва ўчоқли дозаларга эришишда **томотерапия** фракциялашнинг стандарт усули сифатида қўлланилади. Асосий устунлиги - БМЎД \leq 2,5 Грда гипофракциялаш.

Кўкрак беги саратони T1-2N0-1M0 босқичида аъзо сақловчи амалиётлар бажарилганда **интраоперацион** нур терапия қўлланилади. Унда қолган ҳавфли ўсмаларни девитализация қилиш мақсадида олиб ташланган ўсма ўрни электрон тўплам БМЎД 10-20 Гр нурлантирилади.

Метастатик КБСда нур терапияси.

- **Бош мианинг метастатик шикастланиши**

Миёда солитар метастаз бўлса, даволаш тактикасини маммолог жарроҳ, радиолог онколог, кимётерапевт ва нейрохирург билан маслаҳатлашиб, даволаш тактикасини (жарроҳлик, НТ, кимётерапия, темозоломид юбориш) аниқлаш керак.

1. Бош миани С1 бўйин умуртқасигача тотал нурлантириш:

- a. БМЎД 2,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-40 Гр;
- b. БМЎД 2,5 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-35 Гр;
- c. БМЎД 3,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-33 Гр;
- d. БМЎД 4,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 20 Гр.

2. Бош миани локал нурлаш

- a. стереотаксик радиохирургия (SRS) - БМЎД 10,0 – 30,0 Гр 1 фракция метастаз ўлчами диаметри 3 смдан катта бўлганда;
- b. стереотаксик радиотерапия (SRT) – БМЎД 6,0-10,0 Гр 3-5 фракция метастаз ўлчами 3,0 смдан 6,0 смгача бўлганда;
- c. метастазларни локал нурланиш БМЎД 2,0-3,0 СЎД 20-60 Гргача. Нурланиш якунлангандан сўнг кимё терапия консултацияси мажбурий.

- **Суякларни метастатик шикастланиши**

Умуртқа шикастланганда, зарарланган умуртқа, ундан юқоридаги ва пастдаги 1 тадан умуртқанурланиш ҳажмига киради. Метастатик шикастланиш умуртқанинг бўйин ва кўкрак қисмларида жойлашганда БМЎД 2,5 Гр, 3 Гр, 4 Гр, 8 Гр СЎД 25 Гргача, 30 Гр, 24 Гр ва нурланиш майдони узунлиги 10 смдан катта бўлганда. Локал нурланиш соҳаси 10 смдан кичик бўлганда СЎД 28 Гргача оширилиши мумкин. Скелет суякларининг бошқа суяклари шикастланганда атроф нормал тўқималар толерантлигини ҳисобга олган ҳолда СЎД 60 Грни ташкил этиши мумкин.

Кучли оғриқ қиндромида ва режалаштирилган нурланиш соҳасида орқа миё эзилиши бўлмаганда, симптоматик оғриқ қолдириш мақсадида зарарланиш соҳасига СЎД 8 Гр бир марта локал нурланиш ўтказиш мумкин.

- **Жигарнинг метастатик шикастланиши**

Жигарда метакрон солитар метастатик ўчоқ аниқланганда, даволаш тактикаси жарроҳ, радиолог ва кимётерапевт иштирокидаги консилиум орқали аниқланади. Тизимли терапия ва метастазни жарроҳлик йўли билан олиб ташлашдан бош тортган тақдирда нур терапияси ўтказилади.

Локал зарарланишда (солитар ўчоқ) метастаз соҳасига нишонли БМЎД 2 Гр,

СЎД 60 Гр нур терапия ўтказилади.

Кўплаб шикастланишда жигарни БМЎД 2 Гр, СЎД 30-40 Гр нурлантириш мумкин.

Трансфузион қўллаб қувватлаш.

- Трансфузион терапия учун кўрсатмалар, биринчи навбатда, ҳар бир бемор учун ёши, ҳамроҳ касалликлари, кимётерапиянинг толерантлиги ва даволашнинг олдинги босқичларида асоратларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда индивидуал равишда клиник кўринишлар билан белгиланади.
- Кўрсатмаларни аниқлаш учун лаборатория параметрлари ёрдамчи аҳамиятга эга бўлиб, улар асосан тромбоцитлар концентратини профилактик қуйиш зарурлигини баҳолаш учун қўлланилади.
- Трансфузияларга кўрсатмалар, шунингдек, кимётерапия курсидан кейинги вақтга боғлиқ – кейинги бир неча кун ичида кўрсаткичларнинг тахмин қилинган пасайиши ҳисобга олинади.

Эритроцитар масса/аралашма:

- Тўқималарнинг кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш учун одатдаги захиралар ва компенсация механизмлари етарли бўлса, гемоглобин даражасини ошириш шарт эмас;
- Сурункали анемияларда эритроцитларни сақловчи воситаларни қуйиш учун фақат битта кўрсатма мавжуд – симптоматик анемия (тахикардия, нафас қисилиши, стенокардия, сенкоп, de novo депрессияси ёки ST элевацияси билан намоён бўлади);
- Гемоглобин даражасининг 30 г/л.дан кам бўлиши, эритроцитлар трансфузияси учун абсолют кўрсатма бўлади;
- Юрак-қон томир тизими ва ўпканинг декомпенсацияланган касалликлари бўлмаса, сурункали анемияда эритроцитларни профилактик қуйиш учун кўрсатма бўлиши мумкин бўлган гемоглобин даражаси:

– Ёши (ёш)	– Нв (г/л) триггер даражаси
– <25	– 35-45
– 25-50	– 40-50
– 50-70	– 55
– >70	– 60

Тромбоцитлар концентрати:

- Тромбоцитлар даражасининг $10 \times 10^9/\text{л}$.дан пасайиши ёки терида геморрагик тошмаларнинг пайдо бўлишида (петехиялар, кўкаришлар) аферез тромбоцитлар билан профилактик трансфузия ўтказилади;
- Иситма билан, инвазив аралашув режалаштирилаётган беморларга юқорирок даражада ҳам ($20 \times 10^9/\text{л}$) аферез тромбоцитлар билан профилактик трансфузия ўтказилиши мумкин;
- Петехиал-доғли типдаги геморрагик синдром (бурун, милкдан қон кетиш, мено-, метроррагия, бошқа локализация қон кетишлари) мавжуд бўлганда, тромбоцитлар концентратини қуйиш даволаш мақсадида амалга оширилади.

Янги музлатилган плазма:

- ЯМПни трансфузияси қон кетишли беморларда ёки инвазив муолажалар ўтказишдан олдин ўтказилади.
- $\text{MHO} \geq 2.0$ бўлган беморлар (нейрожарроҳлик аралашувларида ≥ 1.5) инвазив муолажаларни режалаштиришда ЯМП қуйиш учун кандидат сифатида кўрилади. Режали амалиётларда амалиётдан камида 3 кун олдин фитоменадион 30 мг/сут дан кам бўлмаган дозада вена ичига ёки ичишга буюрилиши мумкин.

2) Медикаментоз даволаш.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтмаган дори воситаларининг клиник баённомага киритилиши бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида ва мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизимида харажатларни қоплаш учун асос бўлмайди.

Паллиатив кимё терапия.

Паллиатив кимё терапия метастатик саратон ҳужайраларини кичратириш мақсадида ўтказилади.

Локализацияга ва ўсма турига боғлиқ равишда кимё терапия турли схемаларда буюрилади ва ўз хусусиятларига эга.

Паллиатив кимё терапияга кўрсатмалар:

- цитологик ва гистологик тасдиқланган КБС;
- маҳаллий тарқалган ўсмаларни даволашда;
- регионар лимфа тугунларида/узок аъзоларда (ўпка, жигар, бош мия, суякларда) метастазлар;
- ўсма рецидивлари;

- беморда қон сцурати қониқарли бўлиши: гемоглобин ва гемокрит, гранулоцитлар абсолют сони нормал –200 дан ортиқ бўлганда, тромбоцитлар – 100000 дан ортиқ бўлганда;
- жигар, буйрақлар, нафас тизими ва ЮҚТ фаолияти сақланганда;
- нооперабел жараённи операбел жараёнга ўтказилганлик эхтимолида;
- бемор операциядан бош тортганда;
- ўсманинг ёмон фенотипларида (уч қарра негатив, Her2-негатив саратонда) узок даволаш натижаларини яхшилаш.

Кимё терапияга қарши кўрсатмалар:

Кимё терапияга қарши кўрсатмалар икки гуруҳга бўлиш мумкин: абсолют ва нисбий.

Абсолют қарши кўрсатмалар:

- гипертермия >38 градус;
- декомпенсация босқичидаги касалликлар (юррак-қон томир , нафас олиш тизими, жигар, буйрақлар);
- ўткир инфекцияон касалликларнинг мавжудлиги;
- психик касалликлар;
- битта ёки бир нечта мутахассислар томонидан тасдиқланган, ушбу давонинг самарадорлиги;
- ўсмани парчаланиши (қон кетиш ҳавфи);
- Карновский шкаласи бўйича 50% ва ундан кам бемор умумий аҳволининг оғирлиги (1-иловага қаранг).

Нисбий қарши кўрсатмалар:

- 16-18 ҳафталик ҳомиладорлик;
- организм интоксикацияси;
- фаол ўпка туберкулези;
- қон таркибининг турғун патологик ўзгаришлари (анемия, лейкопения, тромбоцитопения);
- кахексия.

Қуйида КБС да энг кўп ишлатиладиган поликимё терапия режимларининг схемалари келтирилган. Улар неоадьювант (индукцион) кимётерапия ва адьювант поликимё терапия учун, сўнгра жарроҳлик аралашуви ва нур терапияси, шунингдек рецидив ва метастатик ўсмалар учун ишлатилиши мумкин.

РЕЦИДИВ ВА МЕТАСТАТИК КЎКРАК БЕЗИ САРАТОНИ

- КБСнинг люминал А типидида биринчи босқичда антиэстрогенлар билан ёки постменопаузада ароматаза ингибиторлари билан гормон терапия қилинади. Бунда кимё терапия самараси даво бошлангандан энг камида 3 ойдан сўнг баҳоланиши керак. Гормон терапиясининг I линияси фонидида касалликнинг прогрессияси кузатилса, II, кейин III кимётерапия линиясига ўтказилади.
- мКБСда кимё терапия ЭР ва ПР манфий, шунингдек юқори даражали $Ki67 > 20\%$ ва Her-2/neu (3+) беморларга буюрилади.
- I линия кимё терапия сифатида антрациклин-сақловчи схемалар қўлланилади: AC, FAC, FEC, CAF, AT, CT.
- Жараён прогрессияланишида таксанлар, винорельбин, капецитабин, платина препаратлари, гемцитабин сақловчи 2-3 линия химиотерапияси қўлланилади.
- Антрациклинларга қарши кўрсатма бўлганда CMF, капецитабин билан монотерапия қўлланилади.
- **Юқори ҳавф:** тез прогрессияланувчи касалликли, висцерал шикастланишли, гормон манфий рецепторли беморлар:
 - 1) FAC, CAF, AT, CT, капецитабин;
 - 2) жараён прогрессияланишида таксан препаратлари билан 2-3 линия кимё терапиясини ўтказиш;
 - 3) таксанларга резистентликда схемага капецитабин, гемцитабин, винорельбин, платина препаратлари, липосомал доксорубицин қўшилади. Химиопрепаратлар комбинацияда ёки монорежимда қўлланилиши мумкин, шунингдек Her-2-neu гиперэкспрессиясида таргет препаратлари (трастузумаб, лапатиниб) билан бирга қўлланилиши мумкин;
 - 4) химиопрепаратлар комбинацияда ёки монорежимда, шунингдек, Her-2-neu гиперэкспрессиясида таргет препаратлари (пертузумаб+ трастузумаб+ доцетаксел (мКБС нинг 1-линия терапияси), трастузумаб, лапатиниб) билан комбинацияда қўлланилиши мумкин;
 - 5) қисман ёки манфий жавобда КБСга сезгир препаратлар билан проба курслари давом эттирилади;
 - 6) ўсмага қарши терапиянинг барча йўналишларига жавоб бўлмаса, беморлар

кўллаб-қувватловчи терапиясига ўтказилади (В тоифа).

Рецидив ва метастатик КБСда тавсия этиладиган кимё терапия режимлари.

Афзал монорежимлар:

антрациклинлар:

- Доксорубицин 60–75 мг/м² в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада ёки 20 мг/м² в/и ҳар ҳафта;
- пегилирланган липосомал доксорубицин 50 мг/м² в/и 1-кун ҳар 4 ҳафтада (антрациклинлар буюрилишига қарши кўрсатмалар мавжуд бўлганда);

таксанлар:

- Паклитаксел 175 мг/м² в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада, ёки 80 мг/м² в/и ҳар ҳафта;

Антиметаболитлар:

- Капецитабин 2000-2500 мг/м² ичишга 1-чи–14-кунлар ҳар 3 ҳафтада;
- Гемцитабин 800-1200 мг/м² в/и 1-чи, 8-чи, 15-кунлар ҳар 3 ҳафтада;

Микронайчалар ингибиторлари:

- Винорельбин 25 мг/м² в/и 1-чи ва 8-кунлар в/и ҳар 3 ҳафтада;
- Эрибулин 1,4 мг/м² в/и 1-чи ва 8-кунлар ҳар 3 ҳафтада;

PARP ингибиторлари:

- Олапариб 300 мг ичишга , кунига 2 марта, ҳар 28 кунда (BRCA мутацияси мавжуд бўлганда).

Бошқа монорежимлар:

- Циклофосфамид 50 мг/сут. ичишга ҳар куни 1-21 кунлар, ҳар 28 кунда;
- Карбоплатин АУС 6 в/и 1-кун ҳар 3-4 ҳафтада;
- Доцетаксел 60–100 мг/м² в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада;
- Альбумин-боғланган паклитаксел 260 мг/м² в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада, ёки 100-125 мг/м² в/и 1,8, ва 15-кунлар, ҳар 28 кунда;
- Цисплатин 75 мг/м² в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада;
- Эпирубицин 60–90 мг/м² в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада;
- Винорелбин** 25 мг/м² в/и 1-чи ва 8-кунлар в/и ҳар 3 ҳафтада;
- Винорелбин** 60 мг/м² ичишга 1-чи, 8-чи, 15-кунлар; 22-кундан – 80 мг/м² ҳафтада 1 марта;

- Иксабепилон 40 мг/м² в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада (антрациклин, таксан, капецитабинга резистентликда).

Комбинирланган режимлар:

1. САҒ: циклофосфамид 100 мг/м² ичишга 1-чи–14-кунлар + доксорубицин 30 мг/м² в/и 1-чи ва 8-кунлар, 5-фторурацил 500 мг/м² в/и 1-чи ва 8-кунлар ҳар 4 ҳафтада;
2. ҒАС: 5-фторурацил 500 мг/м² в/и 1-кун + доксорубицин 50 мг/м² в/и 1-кун + циклофосфамид 500 мг/м² в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада;
3. ҒЕС: 5-фторурацил 500 мг/м² в/и 1-кун + эпирубицин 50-100 мг/м² в/и 1-кун + циклофосфамид 500 мг/м² в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада;
4. АС: доксорубицин 60 мг/м² в/и 1-кун + циклофосфамид 600 мг/м² в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада;
5. ЕС: эпирубицин 75 мг/м² в/и 1-кун + циклофосфамид 600 мг/м² в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада;
6. СМҒ: циклофосфамид 100 мг/м² ичишга 1-чи–14-кунлар + метотрексат 40 мг/м² в/и 1-чи ва 8-кунлар + 5-фторурацил 600 мг/м² в/и 1-чи ва 8-кунлар ҳар 4 ҳафтада;
7. Доцетаксел 75 мг/м² в/и 1-кун + капецитабин 1900мг/м² ичишга в 1–14-кунлар ҳар 3 ҳафтада;
8. ҒТ: паклитаксел 175 мг/м² в/и 1-кун + гемцитабин 1250 мг/м² в/и 1-чи, 8-чикунлар ҳар 3 ҳафтада;
9. Гемцитабин 1000 мг/м² в/и 1-чи ва 8-кунлар + карбоплатин АУС-2 в/и 1-чи, 8-кунлар, ҳар 3 ҳафтада;
10. Паклитаксел 80 мг/м² в/и + карбоплатин АУС-2 в/и ҳар ҳафта (ёки карбоплатин АУС5-6 ҳар 3 ҳафтада, ёки цисплатин 75мг/м² ҳар 3 ҳафтада);
11. Паклитаксел 90 мг/м² в/и 1-чи, 8-чи, 15-кунлар + бевацизумаб 10мг/кг 1-чи ва 15-кунлар, ҳар 4 ҳафтада;
12. Циклофосфамид 50 мг/сут. ичишга ҳар куни + метотрексат 2,5 мгдан ичишга кунига 2 маҳал ҳар ҳафтанинг 1-чи и 2-кунлари (метроном режим);
13. Капецитабин 2000 мг/м²/сут ичишга 1-14-кунлар + винорелбин 25 мг/м² в/и 1-чи ва 8-кунлар ҳар 3 ҳафтада
14. Винорелбин 25 мг/м² в/и 1-чи ва 8-кунлар + трастузумаб 8 мг/кг 1 юбориш, кейинчалик 6 мг/кг ҳар 3 ҳафтада

HER2-манфий КБСни химиоиммунотерапияси

- Альбумин-боғланган паклитаксел 100 мг/м² в/и 1-чи, 8-чи, 15-чи кунлар + атезолизумаб 840 мг в/и 1-чи ва 15-чи кунлар ҳар 4 ҳафтада (Уч қарра негатив КБС беморларида иммунокомпетент хужайраларида PD-L1 \geq 1 % экспрессиясида биринчи линия терапияси сифатида).

HR ва HER-2 негатив рецидивланувчи норезектабел КБСни даволаш учун (маҳаллий, регионар), ёки 4 босқич КБС (M1) да терапиянинг 1-чи линияси сифатида, валидирланган тест ёрдамида ўсма хужайралари томонидан PD-L1 (CPS \geq 10) мусбат экспрессияси кузатилган тақдирда, қуйидаги комбинацияларни қўллаш тавсия этилади [13-15];

1. Пембролизумаб 200 мг, ҳар 21 кунда 1 марта; Паклитаксел 90 мг/м² (Альбумин-боғланган паклитаксел 100 мг/м²), 1-чи, 8-чи, 15-чи кунлар, ҳар 28 кунда.
2. Пембролизумаб 200 мг, ҳар 21 кунда 1 марта; Гемцитабин 1000 мг/м², 1-чи, 8-чи кунлар, ҳар 21 кунда; Карбоплатин АУС 2, 1-чи, 8-чи кунлар, ҳар 21 кунда.

Таргет (анти-HER2) терапия

1. Пертузумаб 420 мг (юклама доза – 840 мг) в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта + трастузумаб 6 мг/кг (юклама доза – 8 мг/кг) в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта + доцетаксел 75-100 мг/м² в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта (терапия 1-чи линияси мақсадга мувофиқ режими)
2. Пертузумаб 420 мг (юклама доза – 840 мг) в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта + трастузумаб 6 мг/кг (юклама доза – 8 мг/кг) в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта + паклитаксел 175 мг/м² в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта ёки 80 мг/м² в/и ҳар ҳафта. (терапия 1-чи линияси мақсадга мувофиқ режими).
3. Трастузумаб-эмтанзин 3,6 мг/кг в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта.
4. Трастузумаб 2 мг/кг (юклама доза – 4 мг/кг) в/и ҳар ҳафта ёки 6 мг/кг (юклама доза – 8 мг/кг) в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада + паклитаксел 175 мг/м² в/и 1-кун + карбоплатин АУС 6 в/и 1-кун, ҳар 3 ҳафтада.
5. Трастузумаб 2 мг/кг (юклама доза – 4 мг/кг) в/и ҳар ҳафта ёки 6 мг/кг (юклама доза – 8 мг/кг) в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада + паклитаксел ёки 80 мг/м² в/и 1-чи, 8-чи, 15-кун + карбоплатин АУС 2 в/и 1-чи, 8-чи, 15-кун, ҳар 4 ҳафтада.
6. Трастузумаб 2 мг/кг (юклама доза – 4 мг/кг) в/и ҳар ҳафта ёки 6 мг/кг (юклама доза – 8 мг/кг) в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада + паклитаксел 175 мг/м² в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада ёки 80-90 мг/м² в/и ҳар ҳафта.
7. Трастузумаб 2 мг/кг (юклама доза – 4 мг/кг) в/и ҳар ҳафта ёки 6 мг/кг (юклама доза – 8 мг/кг) в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада + доцетаксел 75-100 мг/м² в/и 1-кун 3 ҳафтада 1 марта.
8. Трастузумаб 2 мг/кг (юклама доза – 4 мг/кг) в/и ҳар ҳафта ёки 6 мг/кг (юклама

доза – 8 мг/кг) в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада + винорельбин 30-35 мг/м² в/и 1-чи ва 8-кунлар в/и ҳар 3 ҳафтада ёки 25 мг/м² в/и ҳар ҳафта.

9. Трастузумаб 2 мг/кг (юклама доза – 4 мг/кг) в/и ҳар ҳафта ёки 6 мг/кг (юклама доза – 8 мг/кг) в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада + капецитабин 2000-2500 мг/м² ичишга 1-чи–14-кунлар ҳар 3 ҳафтада.
10. Лапатиниб 1250 мг/сут. ичишга ҳар куни + капецитабин 2000 мг/м²/сут. ичишга 1-чи–14-кунлар ҳар 3 ҳафтада.
11. Лапатиниб 1500 мг/сут. ичишга ҳар куни + ароматаза ингибиторлари (летрозол 2,5 мг/сут. ичишга ҳар куни).
12. Трастузумаб дерукстекан*1 5,4 мг/кг в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада (* препарат Ўзбекистон территориясида регистрациядан ўтганидан сўнг қўлланилади) (2-чи линия (1-тоифа) мақсадга мувофиқ режим). 1-чи линия, агар рКБС туфайли неoadъювант ёки адъювант антиHER2- терапия вақтида ёки яқунланганидан сўнг 6 ой давомида рецидив ривожланган тақдирда.

Эслатма: 1- норезектабел ёки метастатик HER2 паст экспрессияси бўлган (ИГХ+ ёки ИГХ2+/FISH/CISH-) КБС беморлари учун кимё терапиядан прогрессияланиш кузатилганда ёки агар рКБС туфайли адъювант кимё терапия вақтида ёки яқунланганидан сўнг 6 ой давомида рецидив ривожланган тақдирда.

Суяк структураларининг метастатик шикастланишида остеомодификацияловчи препаратлар

1. Бисфосфонатлар:

- Золедрон кислота 4 мг в/и, 15 дақиқа давомида ҳар 4 ҳафтада ёки ҳар 3 ойда;
- Памидрон кислота 90 мг в/и, 2-4 соат давомида ҳар 4 ҳафтада ёки ҳар 3 ойда.

Бифосфонатлардан фойдаланиш суяк метастазлари мавжудлигини аниқлаш ва рентгенологик тасдиқлашдан сўнг дарҳол бошланиши ва буйрак функциясини мунтазам кузатиб бориш (препаратни кейинги юборишдан олдин креатинин даражасини аниқлаш) билан толерантликка қараб чексиз давом этиши керак. Гипокальциемиянинг олдини олиш учун олдиндан мавжуд бўлган гипокальциемия ва D витамини етишмовчилигини коррекцияси, шунингдек, терапия пайтида Ca ва D витамини препаратларидан фойдаланиш тавсия этилади.

2. Деносумаб

Тавсия этиладиган доза 120 мг ҳар 4 ҳафтада 1 марта тери остига қорин, елка ёки сон соҳасига. Терапия дастлабки ойи давомида қўшимча равишда препарат 120мг дозада т/о 8-чи ва 15-кунлар юборилади. Даво курс давомида қўшимча равишда кальций ва витамин D препаратларини қабул қилиш тавсия қилинади.

Метастатик кўкрак беши саратонини гормонотерапияси учун тавсия этиладиган препаратлар

ЛГРГ¹ аналоглари

- Трипторелин 3,75 мг/о 28 кунда 1 марта
- Гозерелин 3,6 мг, т/о 28 кунда 1 марта ёки 10,8мг т/о 12 ҳафтада 1 марта
- Бусерелин 3,75 мг м/о 28 кунда 1 марта
- Лейпрорелин 3,75 мг м/о 28 кунда 1 марта

Эстроген рецепторлари селектив модуляторлари²

- Тамоксифен 20 мг/сут. ичишга ҳар куни
- Торемифен 60 мг/сут. ичишга ҳар куни

Эстрогенлар рецепторлари антогонистлари³

- Фулвестрант 500 мг м/о ойига 1 марта (дастлабки 1 ойда – 500 мгдан 1-чи ва 15-кунлар)

Учинчи авлод ароматаза ингибиторлари (ностероид)³

- Анастрозол 1 мг/сут. ичишга ҳар куни
- Летрозол 2,5 мг/сут. ичишга ҳар куни
- Летрозол 2,5 мг/сут. ичишга ҳар куни + палбоциклиб 125 мг/сут. ичишга 1-21-кунлар, интервал 1 ҳафта. ^{3,5}

Учинчи авлод ароматаза ингибиторлари (стероид)³

- Эксеместан 25 мг/сут. ичишга ҳар куни
- Эксеместан 25 мг/сут. ичишга ҳар куни + эверолимус 10 мг/сут. ичишга ҳар куни^{3,6}

CDK4/6 циклинга-боғлиқ киназалар ингибиторлари

- Абемациклиб 200 мг суткасига 2 маҳал ҳар куни
- Абемациклиб 150 мг суткасига 2 маҳал ҳар куни + Летрозол 2,5 мг/сут.

ичишга ҳар куни

- Абемациклиб 150 мг суткасига 2 маҳал ҳар куни + Фулвестрант 500 мг м/о ойига 1 марта (биринчи ойда – 500 мгдан 1-чи ва 15-кунлар)
- Палбоциклиб 125мг/сут ичишга 1-21-кунлар, интервал 1 ҳафта + Летрозол 2,5 мг ёки бошқа ароматаза ингибитори 1 марта/сут бутун 28-кунлик цикл давомида
- Палбоциклиб 125 мг/сут. ичишга в 1–21-кунлар, интервал 1 ҳафта + Фулвестрант 500 мг м/о ойига 1 марта (биринчи ойда – 500 мгдан 1-чи ва 15-кунлар) ^{3,4}
- Рибоциклиб 600мг/сут ичишга 1-21 кунлар, 1 ҳафта интервал билан + Фулвестрант 500 мг м/о ойига 1 марта (биринчи ойда – 500 мгдан 1-чи ва 15-кунлар) ³
- Рибоциклиб 600мг/сут ичишга 1-21 кунлар, 1 ҳафта интервал билан + Летрозол 2,5 мг ёки бошқа ароматаза ингибитори 1 марта/сут бутун 28-кунлик цикл давомида ²

Прогестагенлар³

- Медроксипрогестерон ацетат 500 мг/сут. ичишга ҳар куни
- Мегестрола ацетат 160 мг/сут. ичишга ҳар куни

Эслатма:

¹ - Фақат пременопаузадаги беморларга.

² - Пременопауза ва менопаузадаги беморларга.

³ - Фақат менопаузадаги беморларга.

⁴ - HER2-манфий КБС беморлар учун; ушбу режимнинг аввал «летрозол + палбоциклиб», шунингдек «эксеместан + эверолимус» комбинацияларини олган беморларда самарадорлиги ҳақида маълумотлар йўқ.

⁵ - HER2-манфий КБС беморлар учун гормон терапиянинг биринчи линияси сифатида; летрозол ва палбоциклиб терапияси фонида прогрессияланиш ҳолатида гормонотерапиянинг бошқа линиясининг, шунингдек, палбоциклиб қўшилган линияларнинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар йўқ.

⁶ – умумий ҳолати қониқарли бўлган, ички аъзолар фаолияти нормал бўлган (шу жумладан, қонда глюкоза миқдори меъёрӣ бўлган) HER2-манфий КБС беморлар учун, ароматаза номтероид ингибиторларига резистентлик белгилари бўлганда (летрозол/анастрозол билан адъювант ёки даволовчи терапия жараёнида ёки ушбу препаратларни қабул қилиш ± кимё терапиянинг битта линияси

яқунланганидан яқин 12 ой ичида прогрессияланиши); эхсеместан ва эверолимус билан терапия фонида прогрессияланишида, гормонотерапиянинг бошқа линиясининг, шу жумладан, эверолимус қўшилганда самарадорлиги ҳақида маълумотлар йўқ.

Эстроген ва/ёки прогестерон-позитив рецидив ёки диссеминацияланган кўкрак беги саратонининг гормонотерапияси

Пременопауза ёши ва HER2-манфий тип

- Эстроген рецепторлари селектив модуляторлари (тамоксифен ёки торемифен) ёки хирургик кастрация /тухумдонлар фаолиятини бостириш плюс гормонотерапия, постменопаузадаги аёллар учун ҳам.

Пременопауза ёши ва HER2-позитив тип

- Тамоксифен ± трастузумаб ёки хирургик кастрация /тухумдонлар фаолиятини бостириш плюс гормонотерапия, , постменопаузадаги аёллар учун ҳам.

Постменопауза ёши ва HER2-манфий тип

- Ностероид ароматаза ингибиторлари (анастрозол, летрозол)
- Тамоксифен ёки торемифен
- Мегестрол ацетат
- Стероид ароматаза ингибиторлари (эхсеместан)
- Эхсеместан + эверолимус 1,2
- Эверолимус + фулвестрант
- Эверолимус + тамоксифен
- Палбоциклиб + ароматаза ингибиторлари (1-тоифа)2,3
- Палбоциклиб + фулвестрант (1-тоифа)2,4
- Рибоциклиб + ароматаза ингибиторлари (1-тоифа) 2,3
- Рибоциклиб + фулвестрант (1-тоифа)
- Абемациклиб + фулвестрант7
- Абемациклиб + ароматаза ингибиторлари 3
- Абемациклиб монотерапияда7
- Эстрогенлар рецепторлари антогонистлари (фулвестрант, 1-тоифа)6
- Алпелисиб* + фулвестрант

Постменопауза ёши ва HER2-позитив тип

- Ароматаза ингибиторлари ± трастузумаб
- Ароматаза ингибиторлари ± лапатиниб
- Ароматаза ингибиторлари ± лапатиниб + трастузумаб
- Фулвестрант ± трастузумаб
- Тамоксифен ± трастузумаб

Эслатма:

¹ - Экземестаннинг эверолимус билан комбинацияси BOLERO-2 клиник тадқиқотининг танлаш мезонларига жавоб берадиган беморлар учун кўриб чиқилиши мумкин (даволаш тугаганидан кейин ёки ностероид ароматаза ингибиторларини қабул қилганда 12 ой ичида прогрессияланиши).

² - CDK4/6 ингибиторлари билан терапияга прогрессияланиши кузатилганда, CDK4/6 – ингибиторлари сақловчи режимлар билан давони давом эттириши тўғрисида маълумотлар йўқ. Аналогик тарзда, агар эверолимус сақловчи режим қўлланилганда касалликнинг прогрессияланиши кузатилса, эверолимус сақловчи режимлар билан давони давом эттириши тўғрисида маълумотлар йўқ.

³ - Палбоциклиб (PALOMA-1), рибоциклиб (MONALEESA) ва абемациклиб (MONARCH-3) ароматаза ингибиторлари (анастрозол, летрозол ёки экземестан) билан биргаликда пре-постменопаузадаги мусбат гормонал статусли ва HER2-негатив метастатик кўкрак бези саратони беморларини биринчи линия терапияси варианти тарзида кўриши мумкин.

⁴ - постменопаузадаги ёки пременопаузадаги аёллар, ЛГРГ агонистлари қабул қилган, мусбат гормонал статусли ва HER2-негатив метастатик кўкрак бези саратони беморлари учун, дастлабки адъювант ёки эндокрин терапиядан сўнг прогрессияланиши фонида.

⁵ – Дастлабки эндокрин терапиядан сўнг прогрессияланишидан сўнг буюрилади.

⁶ – Клиник тадқиқотда (S0226) гормон мусбат кўкрак бези саратони аёлларда, метастатик жараён сабабли дастлабки химиотерапия ёки эндокрин терапиясиз, анастрозолга фулвестрантни қўйиши прогрессияланишигача бўлган даврни узайишига олиб келди. Группа ости таҳлили шуни кўрсатдики, тамоксифенни адъювант режимда дастлабки тавсия этилишисиз, ва таиҳис қўйилгандан 10 йил ўтган бўлса, даволашдан энг яхши натижалар олинди. Аналогик дизанли иккита тадқиқот (FACT ва SOFEA) фулвестрантни

анастрозолга қўшиши прогрессияланишгача бўлган вақтда афзалликни намоён қилгани йўқ.

⁷ – Дастлабки гормонтерапияга прогрессияланишдан сўнг ёки дастлабки химиотерапиядан сўнг жараён прогрессияланишида буюрилади.

* фулвестрант билан комбинацияда постменопаузадаги аёлларга ва гормонал рецепторлари мустаб (HR+), 2-типдаги одам эпидермал ўсиш омили рецептори манфий (HER2-) эркакларда тарқалган ёки метастатик кўкрак беги саратони PIK3CA (PIK3CA+) гени мутациясида, эндокрин терапия режимлари ўтказилган вақтда/кейин касаллик прогрессияланганда тавсия этиши кўриб чиқилиши мумкин.

- **Паст ҳавф:** узок рецидивсиз даври бўлган, мусбат гормонал рецепторлари бўлган, фақат суяк шикастланган, ички органларга зарар етмаган беморлар;
- Менопаузал беморларда ароматаза ингибиторлари билан гормон терапия ўтказиш;
- Жараён прогрессияланишида беморларга антиэстрогенлар тавсия қилинади;
- Жараённинг кейинги прогрессияланишида гормон терапиянинг III линияси – фулвестрант;
- Фулвестрантга рефрактерликда химиотерапияга ўтилади;
- Пременопаузадаги аёлларда 8 та ва ундан ортиқ метастатик лимфа тугунлари мавжуд бўлганда, ПХТ яқунланганидан ва стабил клиник самарага эришилгандан сўнг, менструал фаолият давом этса, тухумдонлар фаолиятини тўхтатиш кўрсатилади (рилизинг-гормонлар ЛГГ агонистлари ёки овариэктомия). Сўнгра касаллик прогрессияланишига қадар антиэстроген тавсия қилинади;
- ISH тасдиқланган (амплификация +) Her 2/neu (+3) ёки Her-2/neu (2+) гиперэкспрессиясида, кимётерапия даволаш схемасига трастузумаб қўшилади. Трастузумаб билан терапияга прогрессия кузатилган беморларда, таргет терапия иккинчи линиясига лапатиниб 1250 мг/сут капецитабин ёки паклитаксел билан комбинациясига эхтимол ўтиш мумкин. Кейинги прогрессияланишда – трастузумаб эмтанзин 3,6 мг/кг 21 кунда 1 марта прогрессияланишгача ёки рчидаб бўлмас токсиклик кузатилгунча;
- КБСнинг люминал В типи беморларида лапатиниб 1250 мг/сут билан таргет терапия гормонал терапия – ароматаза ингибиторлари билан комбинацияси;
- Суяк метастазлари мавжуд бўлганда, касалликнинг исталган босқичида даво схемасига бисфосфонатларни (Памидрон кислота, Золедрон кислота, денозумабни) қўшиш;

- Зарурат бўлса – НТни қўшиш. Бош миёга метастазлар кузатилганда:
- ГЭБдан ўтувчи барча троп препаратлар, жумладан темодални қўшиш билан кимё нур терапия;
- Яраланган, инфицирланиш, қон кетиш асорати билан бўлган ўсма билан КБС беморларида, санитар мақсадда паллиатив мастэктомия бажарилади. Даво кимё нур, гормонал терапия билан тўлдирилади.

33-жадвал

Асосий дори-воситаларнинг рўйхати (100% фойдаланиш эҳтимоли билан): [1,7]:

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори-воситасининг ХПН	Қўллаш тартиби	Далиллар даражаси
Алкилловчи агентлар - платинанинг комплекс бирикмалари	цисплатин	75 мг/м ² 1-кун, в/и	А
	карбоплатин	АУС 5-6 1-кун, в/и	
Микронайчалар ингибиторлари – таксанлар	доцетаксел	75 мг/м ² 1-кун, в/и	А
	паклитаксел	175 мг/м ² 1-кун, в/и	
Пиримидин антагонистлари – фторпиримидинлар	капецитабин	2000 мг/м ² , 1-14 кунлар, таблеткалар, ичишга	С
Микронайчалар ингибиторлари – барвинка алколоидлари	винорельбин	25 мг/м ² 1,8, 15 кунлар, в/и	А
	эрибулин	1,4 мг/м ² в/и в	
Поли одам ферменти (АДФ- рибоза) полимераза (PARP) ингибитори	олапариб	300 мг, суткасига 2 маҳал, таблеткалар, узоқ вақт, ичишга	А
	талазопариб	1мг ҳар куни, , таблеткалар, узоқ вақт, ичишга	

Ўсиш омилига ва уларнинг рецепторларига моноклонал антитаналар	бевацизумаб	7,5-15 мг/кг 3 ҳафтада 1 марта прогрессияланишгача, в/и	A
	трастузумаб	2 мг/кг (юклама доза – 4 мг/кг) в/и	B
	трастузумаб дерукстекан*	5,4 мг/кг в/и 1-кун ҳар 3 ҳафтада	
	пертузумаб	420 мг (юклама доза – 840 мг) в/и	
Ўсмага қарши антибиотиклар – антрациклинлар	доксорубицин	50-60 мг/м ² , 1-кун, в/и	A
Антиметоболитлар – цитидин аналоглари	гемцитабин	1000 мг/м ² 1-чи, 8-чи ва 15-кун, в/и	A
Антиметоболитлар - антифолатлар	метотрексат	2,5 мг ҳар ҳафтанинг 1-чи ва 2-чи кунлари, ичишга	A
Эстроген рецепторлари селектив модуляторлари	тамоксифен	40 мг/сут, ичишга	B
	торемифен	60 мг/сут. ичишга	
Учинчи авлод ароматаза ингибиторлари (стероид)	эверолимус	10 мг/сут. ичишга	B
	эксеместан	25 мг/сут. ичишга ҳар куни	B
Прогестагенлар	медроксипрогестерон ацетат	500 мг/сут. ичишга	B
	Мегестрол ацетат	160 мг/сут. ичишга	
CDK4/6 циклин- боғлиқ киназалар ингибиторлари	абемациклиб	150 мг суткасига 2 маҳал	B
	рибоциклиб	600 мг ичишга 1 марта/сут	
	палбоциклиб	125 мг ичишга 1 марта/сут	
Эстрогенлар	фулвестрант	500 мг м/о	B

рецепторлари антогонистлари	лапатиниб	1250 мг ичишга 1 марта/сут	С
ЛПРГ аналоглари	трипторелин	3,75 мг м/о	С В
	гозерелин	3,6 мг т/о 28 кунда 1 марта ёки 10,8 мг т/о 12 ҳафтада 1 марта	
	бусерелин	3,75 мг м/о	
	лейпрорелин	3,75 мг м/о	
Учинчи авлод ароматаза ингибиторлари (ностероид)	летрозол	2,5 мг ичишга	В
	анастрозол	1 мг/сут. ичишга	
Бисфосфанатлар гуруҳига мансуб суяк резорбцияси ингибитори	Памидрон кислота	90мг в/и 4- соатлик инфузия 3-4 ҳафтада 1 марта	В В
	Золедрон кислота	в/и томчилаб 15 дақиқа давомида 4 мг 3- 4 ҳафтада 1 марта	
суяк тўқимаси резорбцияси ингибитори. Моноклонал антитана	деносумаб	120 мг тери остиға	А
Ўсмага қарши антибиотик	эпирубицин	60–90 мг/м ² в/и	А
Иммуноонкологик препаратлар	пембролизумаб	200мг в/и 21 кунда 1 марта	А
Маълумотларни юклаб олиш учун (ҳаволалар)	https://nrchd.kz/ru/		

*Регистрация қилинмаган ДВларни қўллаш қоидаларига мос равишда.

34-жадвал

Қўшимча дори-воситаларнинг рўйхати (фойдаланиш эҳтимоли 100% дан кам):

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори- воситасининг ХПН	Қўллаш тартиби	ИД
	Офлоксацин	Вена ичига	С

Антибактериал воситалар	Цефоперазон сульбактам	Вена ичига	С
	Метронидазол	Вена ичига Ичга	А
	Левифлоксацин	Вена ичига Ичга	С
	Ципрофлоксацин	Вена ичига Ичга	С
	Сульфаметоксазол /триметоприм	Вена ичига Ичга	С
Замбуруғга қарши дори воситалари	Вориконазол	Вена ичига Ичга	С
	Итраконазол	Ичга	С
	Флуконазол	Вена ичига Ичга	А
	Позаконазол	Ичга	В
Вирусга қарши дори воситалари	Ацикловир	Вена ичига Ичга	А
Қон ивиш тизимига таъсир қилувчи дори воситалари	Надропарин	Тери остига	С
	Эноксапарин	Тери остига	С
Бошқа дори воситалари	Бупивакаин, Лидокаин, Прокаин	Маҳаллий	А
	Омепразол	Вена ичига Ичга	А
	Фамотидин	Вена ичига	А
	Амброксол	Ичга	В
	Амлодипин	Ичга	В
	Повидон – йод	Ташқи	С
	Тобрамицин	Вена ичига	С
	Эссенциале	Вена ичига Ичга	А
	Фуросемид	Вена ичига Ичга	А
	Хлоргексидин	Ташқи	В
Маълумотларни юклаб олиш учун (хаволалар)	https://www.rosoncoweb.ru/стандартs/suptherapy/http://www.pror.ru/treatment/accomp		

6. Жарроҳлик аралашуви.


Метастатик КБСда жарроҳлик усулида даволаш

- санитар/оддий мастэктомия (қон кетиш ҳавфи бўлганда ҳаётий кўрсатмалар билан);
- жигарни очиқ биопсияси (жигарда метастазларга гумон бўлганда бажариладиган диагностик амалиёт);
- жигардаги бошқа диагностик амалиётлар (жигарда яқка метастатик ўчоқлар бўлганда жигарни резекция қилиш);
- бош мия қобиғининг зарарланган ҳудуди ёки тўқимасини кесиш (бош мия қобиғининг яқка метастатик ўчоқлари мавжуд бўлганда);
- бош мия тўқималарининг шикастланган жойини ёки тўқимасини кесиш ва деструкция қилишнинг бошқа турлари (бош миёда солитар метастатик ўчоқлар мавжуд бўлганда);
- ўпка сегментини прецизион резекцияси (ўпкада солитар метастатик ўчоқлар мавжуд бўлганда);
- лапароскопик сальпингоовариэктомия (предменопаузадаги КБС беморларида гормонга сезгир ўсмаларда (ЭР+, ПР+) профилактик икки томонлама ортиқларни олиб ташлаш);
- ортиқлар билан тотал гистерэктомия (тухумдонлар, бачадон танасининг метастатик шикастланишида);
- тери ичи метастатик шикастланишларида электрокимё терапия (хужайра мембранасининг электропорацияси билан асоцирланган кимё терапевтик дориларни юбориш билан комбинирланган даво).

КБСни жарроҳлик усулида даволашга қарши кўрсатмалар:

- беморда нооперабеллик белгилари бўлса ва оғир ҳамроҳ патология белгиларининг мавжудлиги;
- узоқ метастаз, тарқалган ўсма жараёнининг мавжудлиги;
- синхрон мавжуд ва бошқа локализациядаги тарқалган нооперабел ўсма жараёни, масалан, ўпка саратони ва бошқаларнинг мавжудлиги;
- нафас олиш, юрак-қон томир, сийдик тизими, ошқозон-ичак трактининг сурункали декомпенсацияланган ва/ёки ўткир функционал бузилишлари;
- умумий наркоз учун ишлатиладиган дориларга аллергия [8] (ДД-В).


3-расм. Кўкрак беи саратонини босқичига қараб даволаш-диагностик тадбирлар алгоритми.



¹ 1 босқичда неоадъювант дори терапияси фақат клиник синовлардагина тавсия этилади. Неоадъювант ХТ стандарт режимлар (4-5-жадваллар) ва тавсия этилган дозанинг интенсивлигига мажбурий риоя қилиш (стандарт дозалар ва курслар орасидаги интерваллар) ёрдамида амалга оширилиши керак. Стандарт неоадъювант дори терапиясини (антрациклинлар, таксанлар, трастузумаб, пертузумаб, Г-КСФ) амалга оширишни кафолатлаш учун зарур моддий ресурслар бўлмаса, биринчи босқичдаги бирламчи операбел КБСда жарроҳлик даволашни амалга ошириш тавсия этилади;

² Неоадъювант ХТни тўлиқ қабул қилган беморларга ёрдамчи ХТ тавсия этилмайди. Неоадъювант ХТ бирон сабабга кўра операциядан олдин тўлиқ бажарилмаса, операциядан кейинги даврда етмаган даволаш курсини ўтказиш тавсия этилади. Уч қарра негатив фенотипли (ЭР, ПР ва HER2 манфий) КБС билан касалланган беморлар антрациклинлар ва таксанлар билан неоадъювант КХТни тўлиқ олган бўлса, резидуал ўсма мавжуд бўлганда, капецитабин** (2000 мг/м² 1-чи – 14-кунлар ҳар 3 ҳафтада. 6 ой давомида) адъювант КТ тавсия қилиниши мумкин.

7-расм. Маҳаллий тарқалган бирламчи нооперабел КБС (IIA босқич (T3N1M0 дан ташқари), IIВ ва IIС, шу жумладан шиш инфильтратив тури) учун тавсия этилган даволаш тактикаси.



¹ Неоадъювант ГТ люминал А тип КБС менопаузадаги беморларига тавсия этилади.

